



Hurriyat

Mustaqil gazeta


Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Ўғил-қизлар хунар ўрганса, ўзига ишончи ортади, дунёқарашин ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ бўлади. Кейинчалик ижтимоий муаммоларни барта-раф этишга маблаг сарфламалик учун бугун шу маблагни мактабларга беришимиз керак. Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияла-маск, келажакка хиёнат қилган бўламиз”.

(Президентимиз жорий йилнинг 29 май куни пойтахтимиздаги Сервали туманининг 5А мазоҳисиде фойдаланишга топширилган 329-умумий ўрта таълим мактабига ташрифи чоғида айтган сўздан).

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 3-iyun, chorshanba * № 18 (1182)

ДУНЁНИ ТИТРАТГАН ОФАТ



Вирусология фани ҳозиргача 5 мингга яқин вирус турларини илмий жиҳатдан ўрганган, аммо уларнинг сони миллиондан ортиқ. Кураш ҳали-вери тугамаслиги аён ҳақиқат. Чунки уларда шахсий тўқима йўқ, ўз ҳолича яшай олмайди, кўпаймайди ҳам. Бунинг учун у пайт пойлаб туриб, бирор тирик организм ёки бактериянинг тўқимасига чирмовуқдай ёпиши керак.

⇒ 2-бет

МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТЛАР



Ҳаёт — дарсхона, унда барчамиз ўқувчиларимиз. Инсон босиб ўтган ҳаёт йўлини таҳлил қилиб, яхши-ёмон кунларини тарозига солишга, ортига ўгирилиб, билиб-билмай қилган ишларини сарҳисоб этиб туриши керак. Бу кичик ҳикоялар ана шундай ҳаёт сабоқларидан чиқарилган хулосалардир.

⇒ 7-бет

БОЛАНИ АЛДАШ ОСОНМИ?

Ўтган йиллар мобайнида соҳани ривожлантириш учун бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, нега бу бо-рада ҳамон жиддий ўзгариш сезилма-япти? Нега аксарият томошабини 12 ёш-гача бўлган “Болажон” телеканалда ўзимизнинг эмас, балки кўпроқ чет эл картиналари на-мойиш этилади?

⇒ 8-бет



ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

“Йилнинг энг фаол журналисти” ТАНЛОВИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси миллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги, ислохотлар жараёнидаги иштирокини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 27 июнь — “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни”га бағишланган анъанавий “Йилнинг энг фаол журналисти” танловини пандемия боис юзага келган карантин шароитида Муваққат низом асосида, он-лайн тартибда ўтказишга қарор қилади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик ишлар — босма оммавий ахборот воситаларида ва интернет нашрларида чоп этилган мақолалар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радио эшиттиришларда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ва демократик янгиланишлар жараёни, жумладан, коронавирус пандемияси ва фавқулодда ҳолатларда жамиятимизда одамларимиз томонидан намоён этилаётган фидойилик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар тобора мустаҳкамланиб бораётгани, Ватан тақдирини ва истиқболга дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётгани ўз аксини топган бўлиши мумкин.

2. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

“Йилнинг энг фаол журналисти” танлови оммавий ахборот воситаларининг барча йўналишлари — телевидение, радио, матбуот, фотожурналистика, интернет журналистика бўйича ўтказилади ва танлов натижасида 27 нафар журналист тақдирланади.

Худудий оммавий ахборот воситалари номзодлари телевидение, радио, босма нашрлар, фотожурналистика ва интернет йўналиши бўйича Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг худудий бўлимлари бошқаруви баённомасига кўра ҳар йўналиш бўйича биттадан танланади ва уларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига 20 июнга қадар жўнатилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқаруви қарорига кўра Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан бир нафардан жами 13 нафар голиб аниқланади.

Марказий оммавий ахборот воситалари бўйича (жами 14 нафар) — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (4 нафар), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (2 нафар), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (1 нафар), Дунё ахборот агентлиги (1 нафар) голибларни ўзи аниқлаб беради. Республика миқёсидаги босма (4 нафар) ва интернет (2 нафар) нашрлари бўйича голиблар улар: 1 нафардан тавсия этган номзодлар орасидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқаруви қарорига кўра аниқланади. Бошқарув қарори баённома билан расмийлаштирилади.

3. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

“Йилнинг энг фаол журналисти” голибини танлашда журналистнинг ижодий фаолиги баробарида ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ҳам эътиборга олинади. Бунда журналистнинг ўтган йилнинг 1 июнидан жорий йилнинг 1 июнигача бўлган даврдаги ижодий ва ижтимоий фаоллиги назарда тутилади.

Оммавий ахборот воситалари ўз номзодлари ҳақида тўлиқ маълумотли ҳужжатнинг (муҳр босилган ва сканер қилинган) электрон шаклини топширади.

Ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:
муаллифнинг паспорти нусхаси;
муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида маълумотнома (объективча);
муаллифнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаси раҳбарининг тавсияномаси;
муаллифнинг манзили ва алоқа телефонлари.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 20 июнигача қабул қилинади.

4. ГОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

Танлов голиблари ноутбук компютери ва дипломлар билан тақдирланади.

Танлов голиблари 27 июнь — “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” арафасида эълон қилинади.

“ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ” ТАНЛОВИ ТАШКИЛЙ ҚЎМИТАСИ

Эслисизми, бир пайтлар Ўзбекистон телевидениесида эрта тондан эфирга узатиладиган “Газеталар шарҳи” деб номланган кўрсатув бўларди. Уни нафақат матбуот соҳасига қизиққанлар, балки ёши, касби-коридан қатъи назар барча бирдек меҳр билан томоша қиларди. Ушбу кўрсатувнинг илк бошловчилари юртимизнинг таниқли журналистлари Аҳмаджон Мелибоев, Шухрат Жабборов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Аҳрор Аҳмедов, Камол Матёқубов сингари устоз журналистлар эди.

“Газеталар шарҳи” кўрсатувини гарчи бундан 20 йиллар аввал ташкил этилган ва у эфирга чиқмаётганига ҳам 15 йиллар бўлганига қарамай, нега у ҳамон кўпчилиكنинг эсида? Чунки, унда мамлакатимизнинг турли нашрларида эълон қилинган энг долзарб мақола ва хабарлар ўша кунгидеки шарҳланган эди. Бутун халқимиз ҳар кунги мамлакат матбуотида чоп этилган мақолалардан тезкор воқиф бўларди.

— 1997 йилда “Газеталар шарҳи” кўрсатувиде эфирга чиққанман. Олдимишга қўйилган вазифа — газеталарда чоп этилган жиддий танқидий-таҳлилий мақолаларни имкон даражасида кенроқ аудиторияга етказиш эди. Кўрсатувга 15 дақиқа вақт ажратилганди, биринчи беш дақиқада мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгиликлар шарҳланса, қолган вақтда асосан танқид ва таҳлилга эъти-

ТАКЛИФ



«Газеталар шарҳи» қайта тикланса...

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси эътиборига

бор қаратдик”, — дейди “Адолат” газетаси бош муҳаррири Ислоҳ Ҳамро. — Бизнингча, кўрсатув, албатта, ўзини оқлаганди. Агар оқламаганда бугун “ёпилиб” кетганига анча йиллар ўтган бўлса-да, ушбу кўрсатувни эсга олармидик?! Ўзингизга маълум, эфирдан олиниб, шу кунгача ҳеч ким эсламаётган кўрсатувлар сонини тўпласа борми, бутун бошли битта китоб бўлади.

Дарҳақиқат, ўша йилларда ЎзТВда “Газеталар шарҳи”дан бошқа “жонли эфир” бўлмаган ҳисоб. Ҳар кун эрталабки “Ахборот”дан сўнг “Ўзбекистон” каналда жонли эфирда “Газеталар

шарҳи” берилган. Шубҳасизки, барча мухлислар қатори, катта-кичик амалдорлар ҳам ушбу кўрсатувни томоша қилишган. Унинг тонги дастурга қўйилгани эса катта ютуқ бўлган, негаки, ҳаммага “Газеталар шарҳи”ни кўриши учун қулай вақт. Ўз-ўзидан равшанки, “Шарҳ”да тилга олинган яхши, долзарб мақолаларни топиб ўқишга ҳаракат қилинган.

Ижтимоий мавзуга оид танқидий-таҳлилий мақолалар “Шарҳ”да тилга олин-иб, муаммоларга тезкор ечим топилган. Бу ҳукуматга анча кенг имконият яратгани ҳам бор гап.

Хўш, шунча яхши, зўр экан, ушбу кўрсатув нега ёпилган?


Эҳтимол, кўрсатув ўша пайтда кимларгадир ёқмагандир ёки бошқа сабаб бўлган-дир. Бугун бунинг аҳамияти йўқ. Мухими, нима бўлган тақдирда ҳам, у яна экранга қайтса, савобли иш бўлур эди.

— Ўтган йили “Маданият ва Маърифат” телеканали “Газеталар шарҳи”ни яна эфирга қайтарамиз, деб лойиҳа бошладди. Ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш учун мени чақирди. Бир нечта кўрсатув тайёрлаб, эфирга узатдик. Лекин, негадир кўрсатув яна тўхтаб қолди.

НУҚТАИ НАЗАР

БОСМА НАШРЛАР ЯНА ҚАДДИНИ ТИКЛАБ ОЛАДИ

INTERFAX.RU хабарига кўра, бундан сал олдинроқ ижтимоий тармоқларни ёпиб қўйиш билан пўписа қилган АҚШ президенти мутасадди идораларга улар фаолиятини тартибга солишда кўпроқ ҳуқуқлар берувчи фармонни имзолаган. Айни пайтда Дональд Трамп ижтимоий тармоқлар бугун одамларга ОАВга қараганда кўпроқ таъсир кўрсатади деб ҳисоблашини ҳам қайд этиб ўтган.



Трамп ўз йўлига. Аммо оммавий ахборот воситалари билан ижтимоий тармоқларни бир-биридан ажратиб қарашдек ажаб-товур ёндашув ўзимизда ҳам юз кўрсата бошлади шеклилли.

Жумладан, кейинги пайтлари айрим ижтимоий тармоқларда босма нашрларнинг сўнгги кунлари саноғига бағишланган пайдар-пай чиқишларни олинг. Уларни ўқирканмиз, кўнгилдан беихтиёр тараққийёт чиндан ҳам спиралсимон, тарих эса тақрорланиб тураркан, деган фикр ўтди. Зеро, кўпчиликнинг хабари бўлса керак, фотоаппарат ихтиро қилинган кезлари “Энди рассомларга иш қолмади! Му-сававрлик касб (тўғирроғи, ху-на) сифатида тамом бўлди!” дея айюҳаннос солганлар етар-лика топилган. Бироқ мана, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, со-вуқ башоратларга қарама-қарши ўлароқ, рассомчилик ҳали-ҳа-мон яшаб, яшнаб келаяпти, кўр-

газмаларга қишнинг қаҳратони демай, ёзнинг жазирамаси де-май суткалаб навбатда турган-ларнинг узундан-узоқ навбати оддий ҳолга айланган; дурдона асарлар юз миллионлаб дол-ларларга сотилмоқда...

Худди шундай муносабат теле-видение пайдо бўлганида ҳам кўзга ташланган. Энди ола-мон жўр бўлиб театр ва ради-онинг гўрнини қазिशга шошган: “Зангори экран” турганда ким ҳам таверга борарди?! Ким ҳам радио эшитарди?! Аммо вақт яна бундай калта ўйлайдиган кимсаларнинг адашганини кўр-сатди: мисол излаб узоққа бе-риб ўтирмайлик, ўзимизнинг юр-тимизда бугун қирққа яқин про-фессинал театр, қатор хусусий ра-диоканаллар ишлаб турибди. Шубҳасиз, бугун даврий босма нашрлар мавзусидаги йўқ жойдан пайдо бўлган гала-говур, асоссиз айбловлару бачкана қо-ралашлар ҳам ўтади, ҳақиқат

қарор топади, газета-журналлар яна қаддини тиклаб олади. Ин-чинун, босма нашрлар бизнинг оқловимизга муҳтож ҳам эмас.

Фақат бизни бошқа бир ҳолат ўйлантиради. Одатда бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бериларди. Нима учун бугунги сершовкин “кампания”да айрим собиқ “журналист”лар бу қадар фаоллик кўрсатишди, нима учун улар бир пайтлар ўзлари ишлаб (эҳтимол, ишлаб олмай) кетган босма нашрларга бу қадар га-заб билан тош отишди? Бу би-лан улар жон куйдириб нимани исботлашга уринишди?

Ҳолбуки, азалдан аён жўн-гина ҳақиқат бор: кимгадир ёқар лола... Қоғоз кўринишидаги га-зета-журнал кўнглингизга ўти-ришмас экан, марҳамат, уларни инкор этиб, ўз ишингизни қи-лаверинг, ҳеч ким сизга суймаган ошингизни мажбур-лаб ичирмади.

ШУНДАЙ ДЕДИ



БМТ Бош қотиби, Антониу ГУТЕРРИШ:

“Журналистга ҳужум — жамиятга ҳужум демак. Демократияга сўз эркинлигисиз эри-шиб бўлмайди. Ҳеч қандай жамият қонун-бу-зарликлари суриштириб, ҳақиқатни айт-ма оладиган журналистларсиз адолатли бў-ла олмайди.”

АВВАЛИ

Маҳмудхўжа БЕХБУДИЙ

Ёшларга мурожат

Бизни Туркистон ва Бухорода бир синф муҳтарам ёшлар маъ-жудурки, ҳукумат маҳкамала-ринда тижоратхона, банка ва қорхоналарга қотиб, таржимон, молфуруш ва даллоллик ёнки насяччилик ила машғулдурлар ва бу синф ахлининг адади бу-гун Бухоро ва Туркистонда минларчадур. Ана ёшларга му-рожаатдан мурод шу синф ах-лидан бўлган ҳамватанларим-изга бир неча қалима арз қи-лаверинг, ҳеч ким сизга суймаган ошингизни мажбур-лаб ичирмади.

сизлардан аксарингиз савқи қа-дар ва ёнки савқи табиат ила бир наъви бўлуб, русча бироз ўқуб-ёзмоққа ва ёнки фақат сўйламоққа қодир бўлубсиз ва бу озгина замоний билгу саба-бидан вазифа олиб, енгиллик ва бироз рифоҳият ила умр ўтка-рурсизки, Тангарим зёбда этсун! Ва сизларни озгина илми за-ромоний белгалингиз, албатта, нафъ келтурди ва алҳамду-лиллоҳ дини мубинга ҳам яхши муътақидсиз ва бу илмий замоний эътиқодингизни бузмади.

ТАЛҚИН

Инсоният тарихи ҳозиргача ҳам, амин бўлайликки, бундан кейин ҳам узлуксиз, бири иккинчисидан муҳим ва оғир, сирли-синаотли имтиҳонлардан иборат бўлади. Вақт тушунчасидан бошқа жамики мавжудлик – ер, сув, олов ва ҳаво, тун ва кун, ёмғир ва шамол, баҳору киш одамларсиз ҳам ўз хизматида давом этаверди. Инсон эса туғилмасидан аввал яхши яшаш учун муттасил курашга, гоҳ голиб, гоҳ мағлуб бўлишга маҳкум.

Коронавирус пандемияси дунёни ўнгисиз аҳволга солиб қўйди. Бир қарашда, бу қадар кенг қўламли муаммо бошида тожи билан текис жойда, ҳаёт ўз ўзанда бир маромда давом этаётган, тинчлик-тотувликдан баҳраманд одамлар уй қураётган, тўй қилаётган, одалари билан саёхатга чиқаётган, даласига уруғ қалаётган пайтда юзага чиқди. Оқдй иситма ва йўтал бундай дахшатли оқибатларга олиб келишини ҳеч ким кутмаган эди. Оғир зарба бўлди бу пандемия.

Таниқли вирусолог Карин Мёллингнинг 2018 йили "Альпийо Паблицер" нашриётида чоп этилган "Душманлигидан кўра дўстлиги кўн вирус" номли китобини варақлар эканман, гарчи инсон организмда фойдали вирус ва бактериялар мавжудлигини, улар худди ишчи асаларилардай тиним билмай меҳнат қилишларини билсам-да, муаллифнинг айрим фикрлари эътиборини ўзига тортиди. "Вирусология соҳасида кўп ишларим, изландим, машҳур олимларнинг тадқиқотлари билан танишдим, фикрларини тинладим, – деб ёзади муаллиф. – Биз узоқ вақт вирусларни ўта хавфли, бузғунчи, тоқат қилиб бўлмайдиган даражадаги яратиклар, деб ўйлаганмиш. Аммо, тан олишимиз кераки, аслида улар бундай эмас. Вируслар – генимининг бир қисми. Микроорганизмлар ва вирусларнинг фойдали жиҳатлари кўпгина эътиборимиздан четда қолади, уларга нисбатан салбий муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Чунки улар жуда узоқ вақт давомида муттасил ғайрат билан бизни бу даражамизгача кўтаришди".

Олимнинг бундай нуқтаи назари билан танишгандан сўнг, китобни яна варақламасликнинг илҳами йўқ эди. Баъзи хулосаларини айнан келтираман: "Вирус сўзи латинчадан таржима қилинса шаробат, илшимчи чўкма (чўкинди), захар маъносини беради... У тўқмадан ташқарида бўлганида хавфсиз, қайси-дир йўл билан тўқима ичига жойлашиб олган, мураккаб равишда кўпайиб боради".

Вируслар ҳақидаги билимларимиз кун сайин такомиллашиб бораётир. Янги-янги ҳақиқатлар ошқор бўлмоқда. Улар ҳаёт, тириклик мавжуд бўлган ҳамма жойда мавжуд экан, генларга ёпишиб, мутация жараёнига туртки бериш, шакл-шамойилини ўзгартириш, ўзларидан бошқа бир ёпишмани тўқимадан олиб ташлаш ва ҳатто, генларни бир-бирига қўшиб юборишга ҳам қодир эканлар. Олимларнинг эътирофига, масалан, онковируслар баъзи ҳолларда зарарланган тўқимани даволашлари ҳам мумкин экан. Демакки, вируслар фақат зарарли эмас. Уларнинг "ҳаёти", яшаш фалсафаси гоёт мураккаб, эволюцияси жуда узоқ. Баъзи функциялари фидоий табиатларни эслатади. Ҳақ талаб қилмай, беминнат ишлашди, чарқоч нималигини билишмайди. Янада муҳими, жонзотлар учун орадан ўтаётган миллион-миллион йилларнинг мутлақо аҳамияти йўқ, улар яшашда, ҳаракатда, ижобий ва салбий фаолиятда давом этавердилар. Олимлар ҳатто ядро реакторлари ҳам вируслар яшашини аниқлашган. Берлиндаги табиатшунослик музейида сақланаётган суюқ скелет бундан 15 миллион йил аввал яшаган динозаврга тегишли. У суюқни емирувчи ўта хавфли вирус туйғайли ўлган. Ер юзиде 300 миллион йил ав-



ДУНЁНИ ТИТРАТГАН ОФАТ

ёхуд вируснинг "яхши"си бўладими?

Профессор М. Чибани (Япония) фикрлари гоёт эътиборли: "Коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб тарқалиши ва Ўзбекистоннинг ушбу офатга қарши қўраётган қатъий чораларини қизиқиш билан кузатмоқдаман. Ўзбекистон коронавирус талафотларини ўз бошидан ўтказган Хитой, Жанубий Корея ҳамда бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўз вақтида ва самарали ўрганишга муваффақ бўлди".

вал ҳам вирус бўлган. Океан сувларида шунча вақтдан бери бемалол сузиб юрган целекант балиқлари (яқин-яқингача олимлар уларни аллақачон қирлиб кетган деб ҳисоблардилар) вируслар билан "тил топишиб" яшаш мумкинлигини аллақачон исботлашган дейиш мумкин.

Тиббиёт узоқ олишувдан сўнг чечак устидан узил-кесил галаба қозонгани маълум. Аммо у вақти-вақти билан ўзини эслатиб туради. "Испан гриппи" яшовчанликда бошқа турдошларидан қолишмайди: юз йил аввал жангда ҳалок бўлган аскарнинг суюғида сақланиб қолган. Вабо бир вақтлар Европа аҳолисининг учдан бирини ҳалок қилган, 600 йил аввал шу касалликдан Рим аҳолиси бутунлай қирилган.

Демакки, вирусни вирусдан фарқлаш зарур. Бунинг учун, энг аввало, микроскоп ёрдамида кўзга ташланадиган тождор офатни яхши ва чуқур ўрганмоқ даркор. Улар ҳаётда мавжуд жамики тирик организмларнинг умумий сонидан ҳам кўп, бир-икки ҳамла билан бунча лашкарни енгиб бўлмайди. Шу боис, инсон ва вируслар ўртасидаги жанг, таниқли вирусолог Светлана Поспелованинг таъбирича, узоқ давом этадиган "самовий уруш"ларни эслатади. Вирусология фани ҳозиргача 5 мингга яқин вирус турларини илмий жиҳатдан ўрганган, аммо уларнинг сони миллиондан ортиқ. Кураш ҳали-вери тугамаслиги аён ҳақиқат. Чунки уларда шахсий тўқима йўқ, ўз ҳолича яшай олмайди, қўлаймайди ҳам. Бунинг учун у пайт пойлаб туриб, бирор тирик организм ёки бактериянинг тўқимасига кирмовудай ёпишиши керак. Шундай қилса, орадан кўп ўтмай, янги-янги нусхалари пайдо бўлади. Ажалланарлиси шундаки, тўқимадан чиққан вирус ҳалок бўлади, аммо янги нусхалар "ота-боболари" ишини давом эттириб, тўқималарни шотиб билан маҳв этишди. Бу иш баъзи қушларнинг макорлигини эслатади: улар бола очмиш учун ин қурмайди, аксинча, бошқа қушларнинг тайёр иссиққина инидан фойдаланишади.

Олима вирус ва бактерия бир-бирдан жиддий фарқ қилишига эътиборимизни қаратади: "Трипта чалинган ёки вирус юқтириб олган киши дарҳол алтекадан антибиотик дори сотиб олади. Бу воситалар билан вирусга қарши курашиб бўлмаслигини билмайди. Бунинг учун бевосита вирусга қарши махсус дори воситалари керак. Бактерия ва вирусларнинг ҳажми миқро ва микроорганлизм сифатида қўйш ва Ерга таққослаш мумкин".

Бундан англашладикки, ҳозирча ҳеч бир олимга насиб этмаган вакцинани топиш ва уни амалиётга татбиқ этиш билан бирга, асосий кучини инсон иммунитетини тенгсиз "жанг"га тайёрлаш муаммосига сарфлаш керак. Бошқа йўл йўқ. Баъзи вирусшунослар одамлар қизамиқ касали каби, эртами-кечми, барибир, коронавирус билан юзма-юз келиши муқаррар, деган фикрда собит туриб, "яккама якка майдонга чиқиш" қанча эрта содир бўлса, шунча яхши" дейишмоқда. Бу икки йўлнинг қайси бири муҳимлигини вақт кўрсатади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бугун коронавирга қарши махсус вакцина яратиш

устиде жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда, очиқ, ёпиқ лабораториялар тинимсиз ишламоқда. Кимдир муваффақият оstonасига яқин келиб қолган, бошқа бир олим синов тажрибаларини бошлаб юборган бўлиши мумкин. Иккинчи томондан, бу вирус табиий яратилмаган ёки илмий тафаккур ҳосиласими, деган баҳс авж олмақда. Ҳар бир томон ўзининг қарашларини исботлашга уринаётир. Улар орасида Хитойнинг Ухань шаҳридаги лабораторияга ишора қилиш кўпроқ; бу ерда олимлар кўршапалаклар билан ишлашаётгани матбуотда кўп бор айтилди. "Мир новостей" газетасининг шу йил 19 февраль сониде эълон қилинган мақолада Гуанчжоудаги Технология университетининг бир гуруҳ биолог олимлари томонидан тайёрланган маъруза ҳақида гап боради. Маърузада коронавирус Уханьдаги лабораториядан қочиб чиққаниги, у ерда олимлар 155 та, Хубэй вилоятида эса 450 та кўршапалак билан ишлаётганлари, бу жониворлардан бири ходимлардан бирининг қўлини тишлаб олгани айтилди. Хитой томони эса барча айбловларни ишончли тарзда рад этмоқда.

Ушбу сатрлар қозғога кўчаётганида Америкада иккита хабар келди. Биринчисиде мамлакат олимлари инсон тўқималаридан коронавирус деган офатни 48 соат ичиде ҳайдаб чиқарадиган вакцинани топлангани айтилса, иккинчисиде CNN канали худди шундай муваффақиятга эришиш арасида турган Питсбург университети профессори Бинг Лю ўз уйида отиб ўлдирилганини хабар қилади. Бирор фикр билдириш қийин, аммо вакцинанинг бир ёки икки-уч мамлакатда ишлаб чиқарилиши муаммони тўла ҳал этмайди. Пандемия у ёки бу мамлакатга эмас, дунёга, жамики инсониятга тегишли офат. Шундай экан, вакцина атрофида бозор савдолари пайдо бўлиши яхши оқибатларга олиб келмайди. Бугунги глобал шароитда бу касалликни маълум бир худудда йўқ қилиш муаммони ҳал этмайди, аксинча, ортиқча хотиржамлик, бепарволик янги муаммоларнинг эшигини очмиш мумкин.

Босма ва интернет нашрларида бугун етакчилик қилаётган мавзулардан бири – пандемиядан кейинги ҳаёт, натижа ва оқибатлар ҳақида. Бу хусусда шу қадар кўп гапирилмоқдаки, коронавирус анчадан бери мудраб ётган илмий тафаккурни жонлантириб юборди, дейишдан ўзга чора йўқ. Тахмину фарзлар, эътиборсиз қолдирилган оғохлантиришларнинг сон-саногига етиб бўлмайди. Пандемия боис, дунёда ҳаддан ташқари кўп вирусолог олимлар мавжудлигини билмиб олди, аммо уларнинг иш услублари, тақлиф ва мулоҳазалари бир-бирдан анча фарқ қилиши, ҳурмат билан айтганда, ажабланирлиқдир.

Машҳур Билл Гейтснинг фикрларига қулоқ тутаётлик: "сайёраимиз Зика, Эбола, SARS, MERS каби кўпга вирусларни бошдан ўтказди. Одамлар эпидемияларнинг оқибатлари нақадар дахшатли эканлигини тушунишлари учун шуларнинг ўзи етарли дея вақтида оғохлантириш зарур. Эпидемияларга тайёр эмаслигимиз ҳақида, балки агар илм-фанга

инвестиция киритсак, уларга қарши тайёр бўла олишимиз ҳақида ҳам гапиргандим. Лекин афсуски, бунга эътибор бўлмади, керагидан анча кам иш қилинди. Вакциналар яратиш соҳасида қандайдир ютуқлар бўлгандир, аммо диагностика, вирусга қарши дори-дармон, антитаналарни ишлаб чиқиш механизмларини ўрганиш, яъни ривожлантиришимиз зарур бўлган соҳаларга келганда, ҳеч қандай қўллаб-қувватлаш кузатилмади. Энди эса ҳаво томчилари орқали юқадиган вирусга дуч келдик. Афсуски, менинг салбий прогнозларим ўзини оқламақда".

Европалик экспертларнинг фикри қуйидагича: "Дунёни қамраб олган бугунги инқироз шароитида Ўзбекистон пандемия таъсирини камайтириш учун тегишли чораларни кўрмоқда. Муҳими, бу борада давлат томонидан кенг қўламли вазифалар вақтида белгиланди. Тадбиркорларга солиқ юкени камайтириш бўйича муҳим имтиёзлар берилди. Коронавирус тарқалишини муваффақиятли ва самарали енгитиш учун Япония ва бошқа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланилмоқда. Ўз навбатида, ушбу мамлакат яқин кўшни давлатлар билан бирдамликни мустаҳкамлашга интилоқда. Ўзбекистон бу борада бошқа давлатларга ўрнак бўлаётир. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида кўшни давлатлар раҳбарларини аниқ мақсадли ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштиришга даъват этмоқда. Қирқ йилдан ортиқ давом этаётган куруллой можаролар туйғайли соғлиқни сақлаш тизими заифлашган қўшни Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами юборилиши Ўзбекистон дипломатияси ва яхши қўшничилик сиёсатини ўзида яна бир бор намоён этди".

Профессор М. Чибанининг (Япония) фикрлари гоёт эътиборли: "Коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб тарқалиши ва Ўзбекистоннинг ушбу офатга қарши қўраётган қатъий чораларини қизиқиш билан кузатмоқдаман. Ўзбекистон коронавирус талафотларини ўз бошидан ўтказган Хитой, Жанубий Корея ҳамда бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўз вақтида ва самарали ўрганишга муваффақ бўлди. Фуқаролар карантин даврида ҳукумат томонидан эълон қилинган барча кўрсатма ва тавсияларга амал қилишлари шарт. Ўзбекистон махсус карантин зоналарини барпо этди. Ушбу ҳолат давлат ўз халқи саломатлиги ва келажаги учун қайғурётганидан далолат беради... Мен дунё мамлакатларига Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва қўллашни маслаҳат бераман".

Ижтимоий тадқиқотлар институти Кенгашининг бош эксперти Глеб Кузнецов пандемиядан сўнг юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида фикр билдирган экан, жамият давлат хизматида ишловчилар ва хусусий бизнес билан шуғулланувчиларга бўлинишини тахмин қилади: "Бизнес давлатдан ёрдам сўрайди, давлат эса расмий лавозимларда ишлайдиганлар ҳамда пандемия асоратлари билан курашаётганларга маош тўлаш учун солиқлар ўз вақтида йиғилишини талаб этади. Бу белла-

шувда, экспертнинг фикрича, хусусий бизнес ютқицади".

Дунё матбуотида бошқа йўналишдаги фикрлар ҳам мавжудки, уларга ҳам эътибор бериш зарур. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, пандемия муносабати билан оммавий ахборот воситаларида инсон руҳиятига ўта салбий таъсир кўрсатувчи мақола, шарҳ ва турфа хил тахминлар шу қадар кўпайгани, улар моҳиятига кўра, муаммонинг асл даражасидан анча кўп ва хавфли. Бу ҳам ўзига хос пандемия. Турли шов-шувлар оқибатида маълум тоифа одамларда кўрков, умидсизлик, ишончнинг йўқотиш кайфияти юзага келмоқда. Бундай психологик ҳолатдан ўзларининг ноҳолис мақсадлариде фойдаланувчилар бор. Карантин шароитида кўпга даромадининг бир қисмини йўқотиш, бошқа қарамлар эса ноҳоллик ҳолатига тушганлар ҳисобига мўмай пул ишлаб олади. Баъзи мамлакатларда кўпчилик карантин муддатини ўзайтириш тарафдори, бунинг боиси шуки, уларнинг бизнеси одамларнинг уйда қолиши билан боғлиқ. Шундай экан, карантин бекор қилингандан кейин янги муаммолар пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бундай тақлифларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, пандемия боис одамларнинг ҳаётга, жамиятга муносабатида ижобий ўзгариш юз бериши, кундалик турмуш тарзи, орзу-хаваси ва ўй-хаёлларида оғохлик, камтарлик, жамовийлик, сабр-қаноат каби фазилатлар янада кучайишига умид қилса бўлади. Янги аср вобосининг келиши-ю кетишидан ҳар бир киши, оила, жамоа, маҳалла, жамият қандай хулоса чиқариши, ўз қарашлари, иш тутушнинг қандай тахрир қилиши гоёт муҳим. Давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда, "коронавирус хавфи йўқолгандан кейин ҳам халқимиз карантин пайтидаги айрим қондаларни ўзининг одатий турмуш тарзига айлантириш керак".

Мақолага нуқта қўйиш олдида яна икки-учта хабар билан танишдим. Бундан анча йиллар аввал Ёнью-Йоркда осмондан ўлик кўршапалаклар ёғила бошлаган, орадан кўп ўтмай мамлакатни безақ офати қамраб олган экан. Бу воқеа шу йил 20 март кун, сўнг 6 апрелда Исроилда тақрорланди. Одамлар орасида кўршапалакларнинг ини саратон касаллигини даволаши мумкин деган миш-миш тарқалган, баъзи сохта тадбиркорлар тунда чивин билан озукланадиган қўлқанотли сутэ-мизувчиларнинг уйини бузиб, мўмай даромад топтоқи ҳам бўлишган. Бу хусусда маҳаллий матбуотимизда ёзилди ҳам. Ухандаги лабораторияда ўтказилган тажрибалар эса дастлаб АҚШда бошланган экан.

Нима дейиш мумкин? Одамзот қилгулини қилиб қўйиб, айбни шайтонга тўнқаш қадим-қадимлардаёқ одат тусини олган ва бу одат бугунгача давом этмоқда. Балки бу гал шайтондан ҳам хижолат тортиб, ҳаммасини қулгои янши эшитмайдиган, илмий ходимнинг қўлига чанг солган кўршапалакка ағдараётган-дирмиз?..

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

«Газеталар шарҳи» қайта тикланса...

1 Яхши ҳаракат бошланганди, нима бўлганда ҳам тўхтатмаслик керак эди, – дейди Исом Ҳамро.

Республика нашрларининг бирида вилоят муҳбири бўлиб ишлаган, бугунги кунда устоз журналистлардан бири бўлган ҳамкасбимиз шундай дейди: "2000 йилларда ҳатто ўзим ишлаган "Ўзбекистон овози"да қандай мақолам эълон қилинганини дастлаб, "Газеталар шарҳи"дан билиб олардим. Вилоятларда ҳам ушбу кўрсатувнинг обрўси балинд эди". – Кўриниб турганидек, одамлар вилоятга газеталар ҳали етиб бормасидан олдинроқ уларда қандай мақолалар эълон қилинганидан хабардор бўлишган. Бу кўрсатувга қизиқиш шу қадар кучли бўлганки, одамлар ҳар тонг соат 08.00 бўлишини кутиб ўтиришарди. Аввал "Газеталар шарҳини" қўриб, сўнг ишга боришарди. Телевиденининг катта ютуғи ҳам "Ўзбекистон" каналда ана шундай долзарб кўрсатувлар борлигида эди, – дейди устоз журналист Курбон Эшматов.



оқчилик, ошқоралиқ, эркин фикр-лаш гоёсини илгарчи сураяпти. Нега ОАВлари ҳалигача бу имкониятдан фойдаланишмаяпти?

Бунинг устига аксарият хусусий телеканаллар асиябозликка ўтиб кетишгани ачинарли. Туну кун эфирда беўхшов қилиқлар, сифатсиз қўшиқлар, на гарбча, на шарқча рақслар бериб борилади. Айниқса, қизиқчиларнинг кўча ҳа-шафқофлиқ йўлиғи сабаб, одамларда ҳадик кучли эди. Айтмоқчи бўлган гапини аввал ўйлаб олиб, танишларидан фикр сўраб, шунда ҳам "қозғога ўраб" айтарди. Бугун Президентимиз

бу кўрсатувлар кўчада ялло қила-либ юрадиган "селфи"чиларга мўлжалланган. "Ҳа-ҳа, хо-ҳо"дан бошқа нарса эмас.

– Истардикки, Ўзбекистон Миллий телевиденисида "Газеталар шарҳи" яна эфирга қайтса, қайта тикланса, телевидениемизнинг мавқеи янада ошарди. Жиддий, тахлиллий кўрсатувлар жамиятдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда муҳим намба бўлиб қоларди. Назаримизда, ай-лимга мутасаддилар бугун босма ОАВ "яшаб қоладими, йўқми", деб фол очиб ўтиргандан кўра, барча имкониятларни ишга со-

либ, ТВдан фойдаланиши шарт ва зарур, деб ўйлайман, – дейди таниқли публицистлардан бири Ёқубжон Хўжамбердиев биз билан суҳбатда.

Ҳозирги кунда "Ўзбекистон-24" радиоканалида газеталар шарҳи бериб борилаяпти. Бу қувонarli, албатта. Радионинг ҳам тингловчилари жуда кўп. Аммо телевиденининг ўрни барибир бўлак.

Энди ўйлаб қарасам, мени ҳам матбуот соҳасига қизиқтирган, қўлимга қалам олишга ундаган асли "Газеталар шарҳи" кўрсатуви бўлган экан. Мамлакатимиздаги муаммоларни ёритувчи журналистлар

жасоратига ҳавас уйғотган, улардек халқ қорига яраш илғиғини пайдо қилган. Мана, бугун баҳоли қудрат етук журналистлар сафиде фаолият қуртайлман. Ҳар ҳафтада бўлмаса-да, кам деганда ҳар ойда бир-иккита кўп-чилиқнинг қизиқилишини уйғотадиган, ўзимга ҳам маъқул бўлаётган мақолаларим, очеркларим эълон қилинмоқда.

Аммо ТВда "Газеталар шарҳи" йўқ...

Қолаверса, 15-20 йиллар олдинги вақтга солиштирганда адади анча-мунча камайиб кетган, аммо варақлаб кўрсангиз, ҳамон жуда долзарб, ҳаётий мавзуларни дадил кўтариб чиқаётган "Халқ сўзи", "XXI аср", "Ишонч", "Жамият", "Hurriyat", "Оила даврасида", "Миллий тикланиш" сингари нашрларни ТВ каналлари орқали шарҳлашни даврнинг ўзи тақозо этмайоттикинчи?!

Қачонки, почта ва бошқа матбуот етказувчи ташкилотлар нашрларни узоқ вилоят, шаҳар ва туманларга ҳафтада ҳам етказиб бермаётган, коронавирус пандемияси туйғайли бу аҳвол янада мураккаблашган пайтда, бу кўрсатув ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб, савобли иш қайта тикланган бўлар эди.

БОЖХОНА

Хатарга яқин юрганлар...

Божхона органлари томонидан товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш мақсадида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Навоий вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тезкор тадбир давомида ана шундай ҳуқуқбузарликка чек қўйилди.

Тезкор тадбир давомида "Тошкент-Хоразм" йўналишида ҳаракатланаётган "Cobalt" русумли автомашина тўхтатилиб, кўздан ке-чирилганда, унинг юқонасида фуқаро Б.Х.га тегишли, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, 3 турдаги жами 12 дона уяли алоқа воситалари борлиги аниқланди. Умумий қиймати 19,7 миллион сўмни ташкил этувчи ушбу уяли алоқа воситалари қонунбузардан ашёвий далил сифатида олинди.

Яқунига етмаган "операция"

Сирдарё вилояти Контрабанда ва божхона қонунчиливи бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари ДХХнинг вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Чиноз тумани худудида ўтказилган навбатдаги тезкор тадбирда фуқаро С.У. бошқарувидаги "Spark" русумли енглик автотранспорт воситаси ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди.

Натижада, автотранспортнинг салониде 6 дона скотланган қозғоқ қутиларда божхона расмийлаштиришдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, хорижда "HERBOLIFE" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда сифати кафолатланмаган, умумий қиймати 40 200 000 сўмлик, 5 хил турдаги жами 104 дона биологик фаол қўшимчалар борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Олиб борилган дастлабки суриштирув ишлари давомида ушбу биоактив қўшимчалар фуқаро С.У. га тегишли эканлиги ва қўшимча даромад топиш мақсадида уларни сотмоқчи бўлганлиги аён бўлди.

Ҳар икки ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

А.СОДИКОВ.

Феруза РАХИМОВА,
"Hurriyat" муҳбири.

ОФРИК


XXI аснинг офрикли муаммоларидан бири одам савдосидир. Бу иллат бутун дунё бўйлаб тобора ривож олиб бораётгани ва бизнинг юртимизда ҳам айрим юртдошларимизнинг ана шу чоҳга билиб-билмай тушиб қолаётгани ташвишлидир. Хўш, ушбу муаммонинг сабаблари, туб илдизлари нимада?

Шудгорда қуйруқ на қилур?..

Айтайлик, фирибгарлик йўлига кирган, айшу ишрат қиламан деган аёлларнинг бариси пулсизликдан нолийди. Нима эмиш, мажбур бўлганидан «одам савдоси» билан шуғулланган эмиш. Фикр қилайлик, айтишларича, Пайгамбаримиз Мадинага хижрат қилганларида аввалига бир ансорийнинг уйдан қўним топан эди. Кейинчалик ҳам у кишини кўп йўқлаб турарди. Бир сафар борганларида ансорий дастурхонга зайтун ёғи, куритилган хурмо ва янги пишган хурмодан қўяди. Шунда Пайгамбаримиз йўқлайдилар. У киши билан бирга борган Абу Бакр ҳазратлари: «Эй Расулulloх, нега йўқладингиз?» — деганида, «Бизга етказган шунча таомнинг ҳақини тўлашга умримиз етармикин?», деган эканлар. Бугунги кунда тўқликка шўхлик қилаётган баъзи бир инсонларга юқоридаги мисол тушунсалар, жуда катта ибрат, тарбия ва сабоқдир.

ОАВларининг доимий оғоҳлантиришига қарамай, юртимизда бу борада барча тегишли ишлар, яъни бировлар қўлида кул бўлиб қолмаслик учун ҳуқуқий марказлар фаолият кўрсатаётган бўлса-да, йўқ: уларга эмас балки, кимларгадир ишониб, кейин чув тушиб қолаётганига ким айбдор? Айниқса, ёшлар қабиҳ қимсалар қўлида кўгирчоққа айланганини ўзлари ҳам сезмай қоладилар.

Аслида ҳам бойлик осонликча келмайди. Ҳар қандай бойлик меҳнат билан қўлга киритилишини англаб етмаган одамлар баъзиларда ўзлари қолиб, ўзгаларни ҳам бу сохта «савдогар»ларга «ем» қилишади. Айтиш мумкин, баъзи гуноҳлар кечирилар, аммо одам одамни сотиб, топадиган пули харом бўлганидек, унинг гуноҳи ҳам энг катта гуноҳлардан бири бўлса керак.



Умрида бирор марта бориб кўрмаган, етти ёт бегона юрда, товламачининг гапига ишониб, эргашиб кетавериши учун одам қанчалар калтабин бўлиши керак? Бизни яна бир масала ўйлантиради: одам ўзгаларнинг зулмидан қутилар, аммо ўз ичидидаги нодонликдан, ўзининг илмсизлиги, жаҳолати ва унинг орқасидан келади-ган зулмдан қутула олармикин?..

Албатта, ҳар бир шахс, аввало, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини, ижтимоий-маънавий бурчини билиши зарур. Қолаверса, ўз мустақил фикрига эга бўлиши учун ҳам китоб ўқиши, ўқиганда ҳам онгида тафаккур уйғота оладиган китобларни мутолаа қилиши ўта муҳимдир. Шундагина, ҳар бир инсон бахтли ва саодатли бўла олади.

Бунинг учун шак-шубҳасиз оилада ота-онанинг тарбиясига эҳтиёж сезилади. Боланинг гўдаклик чоғиданоқ онга Ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш лозим. Болага тарбия, таълим бериш, аввало, ҳар бир ота-онанинг фарзанди олдидидаги муқаддас бурчидир.

Халқимизнинг сукулки ҳофиси Комилжон Отаниёзов кўшиқларининг бирида:

Қизил қумда қарвон сурсам суринмас,
Ет элларда жафо чексам билшмас.
Ўзга юртининг боғи билан бўғачси,
Ўз юртининг янтоғича кўринмас...

дея, бежиз қуйламаган эди.

Ўрөлбек ЧУТБОЕВ,
Ўзбекистон СДП Яққасарой тумани
«Ёш адолатчилар» қаноти раиси.

ГУРУНГ



ЮЗ ЙИЛЛИК ОРЗУ



(ёзувчи Исажон Султон ва Хондамир Қодирий суҳбати)

Биз миллат ҳақида, миллий кадрлар ҳақида гапирганда ўз-ўзидан Қодирий, Чўлпон, Бехбудий ва Фитратларни эсга оламиз. Чунки, улар миллатни асл кўриш, адл кўриш учун қуяганлар. Шу миллатнинг тили, адабиёти учун ва унинг тағ-замиридаги мазлумият ва махрумиятлари борасида қайгурсанлар. Улар соғлиги учун қурашган тилда биз гапирамиз, жадидларимиз очган мактабларда бизнинг ота-боболаримиз илм олишган, улар келтирган озодликни юракларимизда кўтариб юрибмиз.

Куйида ёзувчи Исажон Султон ва Қодирий шажарасининг давомчиларидан бири Хондамир Қодирий қурган суҳбатни сиз муштарийларимизга илинар эканмиз, асрий жумбоқларнинг асл жавобини топгандек бўламиз.

Исажон Султон: — Хондамир ака, сиз билан улуг адибимиз Абдулла Қодирий асарлари, қаҳрамонларнинг феъл-атвори, у зот яшаган муҳит, шунингдек, улуг адиб ёдининг тиклашиши, уй-музейи очилиши каби мавзуларда ўзаро кўп гаплашганмиз. Шукри, мамлакатимиз Президентининг юксак эътибори билан Қодирий хотирасини абадийлаштириш ҳақида қарор имзоланди, адиб уй-музейи, у кишининг номидаги боғ ва ижод мактаби очилди. Авваллари шу мавзуда бир суҳбат қилайлик десаам, ҳали эрта дер эдингиз. Энди суҳбатлашсак бўладими?

Хондамир Қодирий: — Ҳа, энди мавриди келди. Уй-музей масаласи адиб оқланганидан, яъни 1956 йилдан буён давом этиб келган масала. Отам, яъни Абдулла Қодирий бобомнинг фарзанди Ҳабибулла Қодирий ҳам, амаким Масъуд Қодирий ҳам шу орзуга етолмай дунёдан ўтишди. Бу иш йилдан-йилга сурилла-сурилла, ниҳоят, 2019 йилда насиб қилди. Авваллари суҳбатга эрта деганим... Ҳақиқатан тушунарсиз ҳолат эмасми: Абдулла Қодирий хотираси ҳар йили эсланади, роман ва ҳикоялари мактабларда ўқитилади, олимлар тадқиқотчилар илмий ишларга мавзу қилиб олишади, диссертациялар ёқланади, асарларидаги ҳикматли сўзлар, шахслар, қаҳрамонлар мисол қилиб келтирилади, бироқ у киши яшаган уйни зиёратгоҳга айлантириш, у муҳитни ўз кўзи билан кўриб, юрагида ҳис қилишни истаган қанча кишиларнинг истаги рўёбга чиқмай тураверарди. Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол... Бир нима дей десангиз, яна ноқулай эди-да.

Очиғи, ҳукумат қарори чиққанидан кейин ҳам ҳадиксираб юрдим, аввалгидай лоп этиб тўхтаб қолса-я, деб. Аммо елкамдан икки қанот ўсиб чиққандек эди. Бир халқнинг гултожи бўлиши ёзувчи оиласи кўп йиллар азият чекканига нима дея олардим? Ўзингиз ҳам гувоҳсиз, уй-музейи очилиши тантанали тўй бўлиб кетди! Қараб кўзларимга ишонмайман. Мен танийдиган ҳукумат аъзолари, атоқли олимлар, зиёлилар, адиблар қаторида турли ҳудудлардан келган тумонат кишиларни кўриб, тўқинланганимдан тирайман денг.

Исажон Султон: — Сизнингча, музейи очилиши нега бунча чўзилиб кетди?

Хондамир Қодирий: — Бунинг оғир, изтиробли сабаблари бор. Лекин шунини айтиб қўйишим керак: у сабабларнинг ҳукуматга ёки айрим кишиларга сира алоқаси йўқ. Биз ўзингиз билганингиздай камсукум оиламиз, эл қатори яшаб юрибмиз. Уй-музейни ўз ҳолимизча ўн йилда ҳам тиклай оламдик, албатта. Лекин шунини айтмаманки, турли сабабларга кўра орқага сурилиб келаётган бу иш рўёбга чиқиши учун кўп елиб-югурдик. Ҳар сафар энди битди деганимизда лоп этиб бир нима чиқиб қолар, яна иш мавҳумлигича қолиб кетаверарди. Ҳафсаламиз пир бўлиб, шаштимиз сўниб қайтар, анчадан кейин яна ўзимизда куч топиб, яна бош уришларда давом этардик. Эндилкида бизнинг елиб-югурганларимизнинг, нималар қилганимизнинг аҳамияти йўқ, чунки у кунлар ўтди-кетди, орзулар рўёбга чиқди.


Бу ишларнинг амалга ошишида, аввало, Президентимиздан, Бош вазиримиздан, адиб ҳамда Президентимиз маслаҳатчиси Хайриддин Султоновдан, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайиддан, Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, ажойиб шоир Минҳожиддин Мирзо ҳамда Маданият вазирлиги масъулларидан, кўплаб олим ва зиёлиларимиздан миннатдорман. Уларга оиламиз номидан раҳмат айтман. Изтиробга тушиб юрган пайтларимизда Тушқунликка тушманг, сабр қилинг, ҳаммаси яхши бўлади» деб таскин бериб, кўнгиллини кўтаришган пайтлари кўп бўлган. Уй-музей ва бобомиз номидаги боғ таъмирланишида Бош вазиримиз ўзлари бош-қош бўлиб, ҳар бир тафсилотларига гача муҳожама қилиб, тақлифлар берди.

Масалан, 1937 йилнинг охириги кунини, ярим кечаси шу хонадонга НКВДчилар кириб келиб, Қодирийни оила бағридан юлиб олишган тун. У кишининг ўша пайтдаги хонасини, жиҳозларини аслидагидек қолдириш ҳақида гап бўлди. Қурилганига яқин юз йил бўлган бинони таъмирлаб, эски кўринишга келтириш осони? Энди кирсангиз, бирданига тасаввур уйғониб кетади. Отам Ҳабибулла Қодирий у пайтда йигирма яшар бўлиб, эсини таниганидан бери оила қисматига оид жамики катта-кичик воқеа-ҳодисалардан хабардор эди. Булар отамнинг «Қодирийнинг сўнги кунлари» асарида батафсил баён қилиб берилган.

Уй-музейи очилишига қаршилик бўлмаган-у, бироқ фикрлар бир жойдан чиқмагани ҳақиқатга яқин. Лекин баъзилар тижирлик қилишганида, мен юқорида тилга олиб ўтган ва номлари дафъатан бу рўйхатга кирмаган яхши кишилар «Қоди-

деганда унинг руҳини ҳам назарда тутиш керак менимча. Шундай ҳолатлар ҳам борки, қарасангиз, гўё ўзбекча, аммо руҳи тамоман бегона. Бошқа тиллардан ўзбекчага ўғирилган матнларда бу ҳолат кўп учрайди. Айни муаммолар ҳақида Қодирий дўсти Ғоzi Юнусга юборган мактубларида куюниб ёзган. Тил қуёши ботса миллат қуёши ҳам ботади дейишган. Бу гапни терсига ўгириб кўрсак, тил қуёши порласа, миллат қуёши ҳам порлайди деган мазмун чиқади.

Гап биргина Абдулла Қодирий эмас, барча зиёлилар адибларга бирдай тегишли мавзуда, яъни дунёга дарс берган қадимий маданият, оламдаги тамал тиллардан бири бўлиши она тилимиз учун жон куйдириш ҳақида кетмоқда. Яна бир мисол келтирай: 1918 йилда ўзбек тили Туркистон мухториятининг расмий давлат тили деб эълон қилинади, бироқ, бу қарор қоғозда қолиб кетаверарди. Бир



рий сизга керак бўлмаса, ўзбек халқига керак» деб қатъий туриб олишганига гувоҳман. Яна бир жиҳати, ҳовлимизда анча-мунча оила тикилиши қолган эди. Муаммолар ҳал бўлди, барчанинг кўнглига қараб, нима зарур бўлса муҳайё қилиб берилди. Ҳақ қарор топди. Уйламанки, Қодирийнинг руҳи шод бўлди, келувчи-кетувчиларнинг охири кўринмайдиган шу кунларда уларнинг дуолари бобомиз руҳига етиб турганига ишонман.

Қодирийнинг сўнги суратини эслайсизми? Унинг юз-кўзидидаги оғир изтироб турма машаққати туйғулганига эмас эди, деб ўйлайман. Она юрт мустахлак зулматига чўмар экан, милтираб турган ёлғиз умид — соф она тилимиз бағридаги муссаффо ўзбек руҳиятини сақлаб қолиш дардида ёнганини, мабодо у барҳаёт умид чироғи сўнса нима бўлишини ўйлаганимкин? Армонга айланган миллат орзуси, эл-юрт қайғуси — барчаси шу нигоҳда жам.

Буларнинг барчаси эл-юрти, дину динати учун шахид кетган адибнинг эслатиб турадиган, у зот руҳига қўндан-кўп хайру саховатлар ва дуолар етиб туриши учун сабаблардир. Мен ўзим улугларимиз мақбараси қошида «Қара-я, орадан шунча асрлар ўтганига қарамай, бу зиёратгоҳлар атрофидан одам аримади, ҳақиқат дуолар тинмайди» деб ҳавас қилардим. Шундай хайрли қисмат Қодирий бобомизга ҳам насиб этганидан хурсандман.

Исажон Султон: — Қодирий ёдининг тиклашиши маънавиятимиз юксалиши учун қилнаётган кенг миқёсда ишларнинг муҳим бир қисми аслида. Чунки, улуг адиб шу элнинг, шу маънавиятининг хизматкори эди. Яқинда эса «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Ўзбек халқининг нурга бораётган ўзақ устунни тиклаб қўйилди. Бу — Қодирий ва унинг сафдошларининг, мухлисларининг, боёгина тилга олиб ўтганимиз ота-боболаримизнинг, жувоимарг кетган юзлаб зиёлиларнинг орзуси эди-ку?

Хондамир Қодирий: — Тил соғлиги

дим. «Бу даврнинг бизга эсон-омон келган энг бурунги намунаси Ўрхун ва Энасойда топилган тошбитиклардир, энг муҳимлари миллодий олтинчи асрда улуг бир давлат қурган Туюк туркларнинг саккизинчи асрдаги хонлари Билга хоқон билан унинг иниси Қултегин ёдномаларидир» дейди у. Қодирий яқин тарихга мурожаат қилиб, ўлмас асарлар яратди. Балки яшаб қолганида, олис тарихга ҳам мурожаат қилган бўлармиди? Чунки, Фитрат бобонинг мақоласи 1928 йилда ёзилганига қараганда, бу маълумотлар ўша маҳалда барчани тўқинлантирган чоғи. Албатта, сиз айтган маълумотлар, халқнинг турли лаҳжалари, урф-одатлари тадқиқ қилиниши зарур бўлган жуда катта ишининг бир қисми, насиб қилса, ҳаммаси ўз ўрнига қўйилиб, халқимизга, айниқса, фарзандларимизга тўла таълим берилса, ажабмас.

Исажон Султон: — Тошбитикларда туркий элдан ажралиб чиқиб, Чин хоқони ҳашамларига учган яна бир тўда ҳақида ҳам сўз боради. Улар табғачлардир. Бу аслида туркий сўз бўлиб, «урғу, хурма» маъносини ифода қилади. Чин улусига яқинлашиб, шунчалар киришиб кетишганки, элдан-тилдан воз кечиб, Чин номини олишган, ўз қондошлари устига юриш қилиб, қулликча солишган. Бунинг йўлқу Тегин отаси Билга хоқоннинг ўз халқига айтган «Қаттиқ ўғилларнинг қул бўлди, сулуғ қизларнинг чўри бўлди» сўзлари билан таърифлайди.

Хондамир Қодирий: — Қаранг-а, эл-улусидан тоғиб кетган тоифа ўша маҳалларда ҳам бўлган экан-да! Мажозан айтсак, табғачлар ҳозир ҳам яшаб келмоқда. Тарих ибрат учундир. Шунини ҳам айтиб ўтмоқчиманки, собиқ империя ўтмиш устига ташлаган ёлгон ёпинчигининг йиртиқлари орасидан ҳақиқат ёғдуси барбир кўринди. Халқимизнинг улуг тарихи чалқаштирилиб, атай бузиб кўрсатилган бўлса-да, бузгунчилар ниятларига эриша олишади. Бизга ҳаққоний, холис, ибратли тарих керак. Олис тарихни қўйинг, жадид боболарини мизни безовта қилган гоғлар, уй-мулоҳазалар ҳам бузиб талқин қилинганига барчамиз гувоҳимиз.

Исажон Султон: — Демак, кимлардир шунча қурбонига қарамай, тарихимиздан ҳайиққашган экан-да?

Хондамир Қодирий: — Ҳайиқмай нима қилсин? «Куч - кучда эмас, маънавиятда» деган гапнинг нақадар ҳаққонийлигини кўрасизми? Биз айтиб ўтган гаплар ўзбек халқи ва туркийлар тарихининг ўрта қисмига тегишли, асл тарихимиз янада олисларга бориб текалади. Ҳар ҳолда, шунини билатуриб, ўзларидан кўрққан бўлса керакки, устунлик истаб бузиб юборишган. Қодирий яқин тарихга мурожаат қилганидаёқ типирчилаб, адибни қатл қилишгача боришган.

Исажон Султон: — Сиз боғ иззатга сазовор бўлган кишилар ҳақида қилинаётган дуолардан гапирдингиз. Ҳақиқатан ҳам, инсон дунёдан ўтган, шунча кишидан дуо етиб турса, бу катта бахт.

Хондамир Қодирий: — Баъзи кишилар ўзларидан из қолдиришмайди. Қодирийни эса халқ мудом иззатлади. Халқига юз минглаб мухлислари асарларини севиб ўқишади. Асар ҳақида сўз кетганда, мен уни бир таълим дароғига ўхшатган бўлардим. Мисол учун, кишилар ўзларига савоб етиб туришини истаб мадрасалар, кўприклар, йўللар қуришади. Асар ҳам шундай, фарқи шундаки, у бениҳоя узоқ йиллар яшаши мумкин. Мадраса маълум фанларни ўргатса, асар фидойилик, инсонийлик, миллатсеварлик, ҳақиқат, имон ва диниётнинг ҳаётий дарсларидан сабаб беради. Шу маънода улуг аждодларимиз ёди қатори, адиб Абдулла Қодирий хотирасининг тиклашиши ҳам раъзий маъно касб этади. Қодирий ва унинг сафдошлари халқ хизматкори эди, дедик. Мен ҳам шу улуг хизматга кичик бир ҳиссам қўшилиб қолишини орзу қиламан. Шу кунларда у кишининг қўлбозларини тартиблаш, нусхаларини тўплаш, тақослаш, замона воқеаларини солиштириш каби ишлар билан машғулман.

БОСМА НАШРЛАР ЯНА ҚАДДИНИ ТИКЛАБ ОЛАДИ



Аммо кўпчилик учун азиз бўлган бундай нәсматларни оёқ остига олиб топашдан, уларни гоҳ ҳамон пленкада расмага олаётган сураткашга, гоҳ сўнгги кунлари тал-васасини бошидан кечираётган беморга мензашдан не наф? Соҳада вужудга келган тушуномчилик, сўзининг лойқалантирилиши сиз учун байрам бўлиб қолдими?..

Замон доим олдинга интилади, тараққийнинг, ривожланишнинг энг оддий талаби ҳам шу. Бугун кундалик ҳаётимизни ижтимоий тармоқлар сасавур этиб бўлмайди. Ҳар тонгни дунё янгиликларидан бохабар бўлиш учун интернет сайтларига киришдан бошлаймиз. Дарҳақиқат, 2008 йилнинг 9 июнидан ишлатила бошланган iPhone ахборот олиш тизимини мутлақо ўзгартириб ташлади.

Аммо бу дегани дунёда интернетдан, сайтлардан бошқа ахборот ўчоғи, ўқувчининг маънавий эҳтиёжини қондирадиган манба қолмади ҳақиқат эмас-ку. Бунинг устига таънинг орт томони ҳам бўлганида, интернет-журналистиканинг ривожланиши жорийимизда яна бир ўта жиддий муаммони келтириб чиқарди. Ахир ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз, "блогерлар" аталмиш қатламнинг саводи говлаган қисми тилимизни нақадар гариблантирди, уни кўча тилига айлантирди. "Ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!" тилимиз "Бисотидаги бир ҳовчу сўзни" (А.Қаҳҳор иборалари) тасарруф қи-

либ, "шов-шувли" мақола кетидан мақола ёзиб ташлайдиган "блогер"лар кўлига тушди. Энди бу мақолалар таъсирида улғайган авлоднинг саводи қай даражада бўлади, бунга тасаввур этиш мушкул эмас-дир.

Бир мулоҳаза. Ҳарфлар кўрғошига қўйилмайдиган даврларда туман газетаси ҳам биз учун саводхонлик мактаби эди. Бирон сўзнинг қандай ёзилиши хусусида баҳслашиб қолсак, ўқитувчимиз бошчилигида газетани қараб чиқардик. "Газетада шундай ёзилибди, тўғриси шу!" деган қарор қатъий эди, шубҳага ўрин қолмасди. Кейинроқ ишлаб кўриб бунга ишонч ҳосил ҳам қилдик: ҳар битта ходимнинг столида лўғат китоблари, мусахҳи ҳам олий маълумотли. Тахририятда бирон сўз қандай ёзилиши хусусида баҳс тугилиб қолса, вилоят газетаси ёнги маркази нашрларга қарардик: улар мутлоқ ишончли манба ҳисобланарди-да. ЎзТАҒ-ку, саводхонликнинг эталони эди. Аслини олганда бугун босма нашрларни яна ўшандай нуфузга кўтариш масаласи долзарб эмасми?! Ваҳоланки, ҳозирча бу борада ўз мавқеини сақлаб келаётган "Тафаккур" журнали ходимлари мўқим иш жойисиз, ойлаб саргардон бўлиб юришди. Энди сизлар мадҳ таътиб сайтларга қараймиз. Ҳатто, тилга тушган айрим блогер-

нинг мақоласини ўқитиб ҳам кўлинг беихтиёр қаламга югураверади: на нукта-вергул жойида ишлатилган, на сўзлар; муаллифнинг нима демоқчи эканлигини аранг англаб оласан.

Ўйлашимизча, тилимизнинг гарибланишига яқин-яқингача кўпчиликнинг кўлидан тушмай қолган "сарик матбуот"дан кейин айнан блогерлар "катта хисса" қўшишмоқда.

Қозғош нашрларга қарши тиш қайраб турганлар дунё матбуоти шу йўлдан кетмоқда эканлигини айтишмоқда. Наҳотки? Унда "London Evening Standart" нашри нега кунлик қозғош ададини 700 мингдан 900 мингга оширди экан? Умуман олганда, Британия ўқувчилари мутлоқнинг 85 фоизини газеталарнинг қозғош кўринишига сарфлашади. Яна бир мисол. Яқинда бир гуруҳ зиёлиларимиз Японияга, бир газета тахририяти тақлифи билан бориб келишди. Газета эрталаб беш миллион нусхада, кечқурун яна шунча нусхада чоп этилар ва ўқувчининг кўлига ўз вақтида,

турли сабаб-баҳоналар билан жар ёқасига келиб қолган босма нашрларимизга биродарлик қўлини узатиб, кўмак бериш ўрнига уни жарга итариб юборишга уриниш, юмшоқроқ айтганда, ахлоқсизликдан бошқа нарса эмас-ку?!

Шубҳасиз, бугун даврий босма нашрларга ҳужум қилаётганлар эрта-индин китобларга ҳам шундай муносабатда бўлиши, ўзларининг фикрларини дунё тамаддуни билан изоҳлашга ҳам уриниб қолиши мумкин. Ваҳоланки, биргина АҚШни олдиган бўлсак, ҳар бир оила йилига ўрта ҳисобда 140 донга китоб сотиб олади! Бунинг устига, дунёнинг айрим ривожланган давлатларида интернет тармоғига муайян чекловлар қўйила бошлаганини унутмайлик. Рухиятшунослар интернетоманга ёхуд ижтимоий тармоқларга бўлган қўлиш касаллиги ҳақида бонг уришаётгани, бундай хасталарни даволаш учун махсус шифохоналар ташкил этилаётгани ҳам бор гап.

барни дўмбира қилиб чарчамади. Гўё "Мана, кўриб қўйинглар..." дегандек ёнги босма нашрларнинг керак эмаслиги хусусида жамоатчилик фикрини шакллантиришга уринаётгандек.

Хуллас, жамиятимизда рақамли фотография билан мусаввирлик, телевидение билан театр, радио қандай чамбарчас яшаб келаётган бўлса, даврий босма нашрлар билан ижтимоий сайтлар ҳам шундай яшаб қолаверади. Чексиз-чексиз ахборот майдонидида ҳаммага жой етади, ортиб ҳам қолади. Дунё кенг. Шундай экан, ҳаётдан жигибйорон бўлиб, босма нашрларнинг гўрига гишт қалашга шоянлар қаттиқ англишадилар. Беихтиёр Марк Твеннинг машҳур истеҳсоси ёдга тушади: "Менинг вафотим ҳақидаги гап-сўзлар вақтидан бунун тарқатилган".

Яна оқсоч тарихнинг ибратли сабоғига мурожаат этайлик. Вақтида ҳокимиятни эгаллаган большевикларнинг айрим амалдорчалари "Энди бизга эски (классик!) адабиёт мутлақо керак эмас, биз янги, йўқсиллар адабиётини яратамиз!" дея кўкрак қериб чиранчилик қилишганди. Вақт ҳаммасини жой-жойига қўйди: қизил коммунистлар тарих саҳнасида сугуриб ташланди, абадиятга дахлдор Навоий, Бобур, Пушкин, Толстой...лар қолди. Не-чүкдир бугун балчиққа қоришга ури-наётган босма нашрлар билан ҳам шундай бўлиши шубҳасиз экан, бас, йўқ жойдан муаммо ясашга, стан-кан ичида бунун пайдо қилишга ҳуд-да-беҳуда чиранавермайлик. Қодир вақт яна ўз ҳукмини айтажак.

... жамиятимизда рақамли фотография билан мусаввирлик, телевидение билан театр, радио қандай чамбарчас яшаб келаётган бўлса, даврий босма нашрлар билан ижтимоий сайтлар ҳам шундай яшаб қолаверади.

дақиқасига қадар аниқликда етиб борар экан (Салгина кечикса ҳам, нашрни етказувчи бу иснодга чидай олмасдан, ўзини харакири қилиб қўйиши мумкин-да!) Ҳолбуки, интернет тизлиги жуда юқори кўнчлар мамла-кати фуқаролари учун англикларни сайтлардан ўқиб олиш муаммо туг-дирмаса керак. Шундай эмасми? Еки Россияни олинг. ВЦИОМ ўтказ-ган сўров натижаларига қўра, катта ёшли аҳолининг 70 фоиздан ор-тиги қозғош нашрларни ўқишни аф-зал қўришган. Канадада олий бо-рилган тадқиқотларда эса аҳолининг 18-34 ёшли қисмининг 52 фоизи ай-нан газеталарнинг қозғош кўриниши-ни ўқишни маълумроқ қўришган.

Шундай экан, бугун юртимизда

Хабарингиз бўлса керак: Билл Гейтс, Стив Жобс сингари интернет империяси тепасида турган кўлаб сармоядорлар ўз фарзандларини "ўргимчак тўрига" яқинлаштирмас-ликка ҳаракат қиларканлар, уларга телефондан сутка мобайнида нари борса бир соат ёки ярим соат шугул-ланишга рухсат берарканлар. Бу бе-жиз эмасдир, ҳар қалай. Энди эса атро-фингизга қаранг: тун-кун телефонга ёпи-шиб олган, интернетнинг ўғидан кириб бу ёғидан чиқаётган болалар, ёшлар, ўрта ёшлилар, катталар...

Карантин тўғрисида Австрияда эл-ликка яқин газета қозғош кўринишида чоп этишни тўхтатиб, электрон шаклга ўтган экан. Кейинги кунлар ижтимоий тармоқларимиз шу ха-

Мақола яқинда дунёга машҳур олим С.Капицанинг "Маданиятни сингдирмоқ лозим, ҳаттоки куч билан бўлса ҳам, акс ҳолда бизни ҳа-лоқат қутади", деган ҳикматли га-лини эслаб ўтмасак бўлмас. Босма оммавий ахборот воситалари айнан халққа маданиятни сингдириш вос-италаридан бири. Табиатда бўшлиқ бўлмайди. Сизлар истаган тарзда қозғош нашрлар йўқолса, унинг ўр-нини нималар эгаллашини бир та-саввур этиб кўринг-а! Бундан кўр-қмайсизми?..

Абдуқамом ЙҮЛДОШЕВ, ғўзувчи.

Ёшларга мурожаат

Зотан исломият шундай бир дини матин ва қобили тараққийдуруки, на қадар илми замоний кўб ўқуса, инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустаҳкам бўлур. Чунончи, илми замоний кўб ўқугон Европу уламоларини(на) энг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб тургонлари жаридохонларга маълумдур. Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятга зарар қилмоқ нари турсун фойда этар, энди мутлабга келайлик.

Мухтарам биродарлар! Сиз хидмат қилатургон доираларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдургон ва сизларга иш буроратургон кишилар борки, сиздан беш, ҳатто, йиғирма дафъа зиёда ва-зифа олур, (Базъ бонка ва тижоратхоналарда ойинда беш юз сўм, ҳатто минг сўм олтургон кишилар бор ва аларни тижорат мактабига ўқузони беш-олти йилнаидур.) Муниң сабаби надр? Сизнинг кўл остингизда сиздан кўп ишлайдургон ва қаттиг хидмат қилатургон ва юк кўтара тургон мусулмон ва ё ўрус-лар борки, сиздан ҳам оз вазифа олур. Муниң сабаби надр? Албатта, муңга жавоб берурсизки, бизни устимиздан қарайдургонларни(на) «илми замоний»-си биздан зиёда ва меҳнаткашларни илми бизга ҳам эмас. Мана сабаб шудур. Биз ҳам дермизки, жавобингиз ду-руст. Бас, маълум бўлдики, ҳозирги замон ишларига хоҳ тижорат ва ҳукумат ва санъатхоналарга бўлсун, кириб ва-зифа олмоққа ва иш қилмоққа илми замо-ний деган нумарса лозим экан ва ҳар ким бақадар билгуси вазифа олур экан. Бас, сиз муҳтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хоҳласан-гизки, сиздан кўра тараққий этса, дин ва миллатга хизмат этса. (Дин ва миллатга хизмат илм ва оқча ила бўлур.) Шу илми замонийни таҳсил қилмоқ учун ҳа-ракат қилмоғингиз лозимдур. Ҳамеантар-ларимиз мулкни сотиб туй қилганидек сиз-да, ҳатто, лозим бўлганда мулкни-гизни сотсангизда ўлгингизни замонча ўқумоқига саъй қилсангиз. Тўйга исроф қилнатургон оқчаларни ўқумоқ йўлга сарф қилсангиз! Замонча ўқумоқ та-риқасидан бошқа мақолада арз қилинур.

"Ойна" журнали, 1914 йил, 21-сон, 390-391 бетлар.

Гўзал БЕГИМ.



Койнот пульси

ёки "Аргументы и факты" газетасининг "кўз ойнаги"



Владислав Старков (1978-2001 йиллар) "АиФ" бош муҳаррири

"Аргументы и факты" Россиянинг халқаро миқёсда донги кетган газеталаридан бири. Қайси мин-тақда тарқалаётганига қараб 32 саҳифадан 64 саҳифагача чиқади. Газета олдин рисола(брошюра) шаклида, 1978 йилдан бунга газета кўринишида чоп этилади. Адади 1 миллион 500 минг нусха. Газетанинг 66 та тахририяти Россияда, 16 таси эса хорижда жойлашган.

"Аргументы и факты" 1990 йилда дунёда энг кўп ададда чиқаётган га-зета сифатида Гиннеснинг рекорд-лари китобига кирди. Ўша пайтда га-зета 33 441 100 ададда чиққан. Тўғри, газета гаройиб адади сабаб Гиннес-нинг рекордлар китобига кирган бў-лиши мумкин. Бирок ушбу ададга шунчаки пойга ўйнаб етиб олмаган-лиги аниқ.

"Аргументы и факты" 1978 йил ян-варь ойдан чиқа бошлаган бўлса, ўз-ининг мазмун-мундарижасию, таъки ди-зайнларини бир неча бор ўзгартирган. Лекин унинг ўқишлилиги, савияси, ҳа-ёт томирларига тўри туша олиш со-ҳияти ўзгаргани йўқ. Ушбу нашр шу пайтга қадар Россия газеталари ичи-да ҳажм нуктаи назаридан лидерлигини қўлдан бой бергани йўқ. Мана қўлим-да "Аргументы и факты"нинг 2020 йил 21-27 май кунларидаги нашри. Унинг саҳи-фаларидан бир-биридан қизиқ, ўтти мак-ролар, фоторепортажлар ўрин олган.

Юқориди биз газета орадаги йил-лар мобайнида бир неча марта шакли шамойилини ўзгартирилганини айтиб ўтдик: 1983 йилда газета замонавий шаклга кирган, 2006 йилдан эса рангли тарзда чиқа бошлаган.

Газета 60 дан ортик мамлакатта тарқ-лади. Битта сонини тахминан 4,5 мил-лион одам ўқийди. Сайтига эса ҳар кун 28 миллион одам таширф буюради. 2015 йилда "АиФ" Урушин болалик китоби. 1941-1945 йил кундаликлари номли ки-тоб ва аудиокитобни нашрдан чиқарди. Бу китоб "АиФ" саҳифаларидан ўрин олган сара ҳижоя, мақола ва эсселар-

дан иборат бўлиб, катта ададларда чоп этилди ва китобхонлар орасида юқори баҳоланди.

Газета ўз тарихида уч нафар бош муҳарририни кўрди: Владислав Старков (1978-2001), Николай Зятков (2001-2016), Игорь Черняк (2017 йилдан то ҳо-зиргача).

"АиФ" жуда кўп мамлакатларда газетхонлар кўлига етиб боради. МДҲ давлатлари, АҚШ, Канада, Австралия, Исроил, Европа мамлакатлари газет-хонлари ушбу газетани бирдай яхши кўриб ўқишади. Хўш, бугун манадан де-ган зиёлилар ҳам "Газета ўзи керакми?" деган маззунни қўйиб турган бир пайт-да "АиФ"нинг бу қадар барча мамла-катларда шухрат қанотини ёзишини нима таъминлаб берган? Аввало, га-зетадаги мавзулар ранг-баранглиги ва унинг ёритилиш услуби. У Россия ва хориждаги воқеалар-нинг ёритилишига бир-дай эътибор қаратди. Тахлил ва изоҳ, мада-ният ва спорт, иқтисод ва бизнес оламидаги умумлашма ва тах-лилий қарашлар ҳам-манинг эътиборини тортиди. Энг муҳим ян-гиликлар қисқа, максимал даражада лўнда ва аниқ қилиб бери-лади ва олдинги саҳи-фаларга жойлашти-рилади. Ўқувчи булар учун 10-15 дақиқа вақт сарфлайди, мамла-кат ва хориж ҳаёти-даги муҳим иқтисод-дий, сиёсий, маданий ҳодисалардан огоҳ бўлади. Газетадаги "АиФ Москва", "АиФ Богховлида", "АиФ суперолдузлар", "АиФ тарих", "АиФ она ва қиз", "АиФ юз ёшлилар", "АиФ мен ҳаммасини билишни истайман", "АиФ оилавий маслаҳат", "АиФ болалар энцикло-педияси" каби рунклар бир қараш-

гини оширди, ер шарни буйлаб шухрат келтирди. Газетада реклама ва омма-боп материалларга ўрин ажратилмади. Журналистлар доим халқ орасида бў-либ оддий халқ дардини ўрганиб, унга тўғри ташхис қўя билишди. Шу учун ҳам "АиФ" мақолаларига кўзингиз тушиши билан халқ дарди миангиз ва юрагин-гизда портлай бошлади.

Газета юқори маалакли журналист-ларнинг профессионал даражадаги ма-

Горбачевнинг чекинишида ҳам Стар-ковнинг ҳиссаси катталиги айтади. Старков ишни бошлар экан жамоад-шлари билан, аввало, фақат ҳақиқатни ёзишга, ёлгон ёзмасликка, қаерда халқ-нинг оғрини, дарди бўлса, уни излаб то-пишга онт ичишади.

Шундан сўнг халқ ҳаётини кийиб яшаш газетанинг шioriга айланди. У ҳеч қачон бировларнинг илтимоси билан газета саҳифасида мақолалар тай-ёрлаган эмас. Чунки газетада эълон қи-линадиган ҳар бир материалнинг ор-тида халқ турарди. Старков "Қайнар хумча"га ўшарди. Ичида гоялар қай-наб ётар, жамоанинг ҳар бир аъзо-сини қаттиқ ҳурмат қилар ва уларни тинглашни хуш кўрарди. Унинг энг хуш кўрган одати – газетхонлардан кел-диган мактубларни ўқиш эди. Сўнг эса янги-янги гоялар билан газетани бой-тарди. Старковнинг ориентирни виждон эди. Шу учун на ўзининг, на газетанинг виждонига хилоф иш қилмади. "АиФ" худди эластик қанотли қушдек ер шарни буйлаб қанот қоқди, одамлар қалбини кўнимоқ қилди.

Айтмишларича, кунларнинг бирида Ва-лентин Распутин билан газета учун суҳ-бат уюштирилади. Распутиннинг жуда камтар ҳаёт кечирилиши билан Владис-лав Андреевич унга уч хисса қалам ҳақи қўрди. "АиФ" ва Старков мактаби – ҳалоп меҳнат мактаби сифатида бутун дунёга татийдиган журналистлар шажарасини етказиб берди.

Айтимлар ҳар бир оғиз сўз учун бош кетиши аён бўлган қалтис Собик Ит-тифқор доридо юриш ҳамма учун эмас эди. Газета эса айнан ўша қалтис дор-дан юриш йўлини танлади. Газета ва га-зета ходимларининг қобилияти, дово-раклиги, юрак деган маёб билан ҳақиқат қўққиси томон дадил ҳаракати ҳаммани қайта-қайта ҳайратлантирган ва ҳайрат-лантиришга давом этмоқда.

Унинг муқоваларида бир-бирини тақ-ролламайдиган, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммоларни кўтариб чиққан расмларга кўзингиз тушади. "Сколько денег дадут ребёнку" (Бола учун қанча пул беришади?), "Чаепитие с сахаром или без?" (Шакарли ёки шакарсиз чой дастурхони), "Нужна победа" (Ғапаба

- Ҳақиқатнинг юрагига ойна тулиб...
- 33,5 миллион ададда Гиннеснинг рекордлар китобидаги газета
- Старков мактабида старт олиб...
- "АиФ"нинг "қайнар хумча"си
- Распутиннинг уч хисса қалам ҳақи
- Халқ қалбига қўйилган термометр




ўзининг ҳаёт тарзининг бир бўлагига айлантириб олишди. Газета мухбирларининг тезкорлиги, ёлгон ёзмаслиги, халқ томонидан туриб фикр юритиши, сиёсий нейтрал ҳолатда қолмақлиги, газетани кундан-кунга ўқишлили-

зета 33,5 миллион ададга кўтарилган, юқориди айтилганидек, Гиннеснинг рекордлар китобига кирган. Горбачев билан Старков орасида иқтисодий-ижти-моий-сиёсий масалалар муҳокама қи-линган. Ҳатто, СССРнинг парчаланиб,

САБОК

Бугун бутун дунё халқлари синовли кунларни бошидан кечирмоқда. Деярли барча мамлакатларда коронавирус пандемиясининг хавфи ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Минг таассуфки, юртимизга ҳам бу офат ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.



ҲАҚИММАТ ЯШИРИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш учун етарли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинаётгани, бу касалликнинг кескин ошиб кетишининг олди олишмоқда. Аммо бу хотиржамликка берилиш, ҳаммаси жойида дейишимизга асос бўлмайди, албатта.

юқумли ваболар кузатилган. Бундай офатлардан қутулиш ва ундан сақланиш борасида муқаддас динимизда ҳам кўплаб кўрсатмалар берилган. Имом Бухорий ва Имом Муслим саҳиҳи асарларида "Тоъун ва вабо" касалликлари ҳақида қуйидаги ҳадислар келтирилди:

ган. Сизлар уни бирон жойда тарқалгани ҳақида эшитсангиз, у ерга (зинҳор) кирманг. Агар кирсангиз у ердан (ҳеч қачон) чиқиб кетманг", дедилар. Шунингдек, "Саҳиҳи Бухорий"да шундай битилади: **Абу Ҳурайрадан келтирилган ривоятда Расулulloх соллаллоху алайҳи вассалам: "Бемор киши, соғлом кишининг олдига келмасин" дедилар.** Бу ҳадисда тоъун ва вабога ўхшаш юқумли касалликлар билан бемор бўлганлар ҳақида таъкидланган.

юбориб, унинг сабрини имтиҳон қилади. Юборилган баълога бардош бериб, сабр қилган кишига улуг ажрлар борлиги ҳақида муқаддас Курони Карим китобининг "Бақара" сураси 155-оятда: **"Албатта, Биз сизларни биров кўрқинч ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер"**, деб марҳамат қилади.

бўлганда ўз юртида сабр қилиб, Аллоҳ унинг пешонасига битганидан бошқа нарса бўлмаслигига ишониб турса, албатта, унга шахиднинг ажри мислидек ажр бўлув

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

АҚШ ОҚ ТАНЛИЛАР ТАЗАРРУСИ

Полициячилар намоишчилар сафида

Оқ танли америкаликлар тиз чўкиб, ирқчилик йилларидаги хатолар учун кечирим сўрашган. Бу тазарру полиция томонидан қўлга олиниш вақтида етказилган жабр натижасида вафот этган қора танли Жорж Флойд ояласи ҳақидаги ибодат қилиш вақтида юз берган. Қора танлилар ушбу узрни қабул қилиб, ибодатга қўшилишган.



1 июнь кунги маълумотларга кўра, тартибсизликлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 11 нафарга етди. Миннеаполисда катта юк машинаси намоишчилар устига ҳайдаб борилиши оқибатида бир киши ҳалок бўлди. Намоишлар бошланганидан буён 4,4 мингдан ортиқ киши ҳибсга олинган. Унлаб шахарларда комендантлик соати жорий этилиб, фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

ЭЪТИРОФ

Устозни бекорга боғбонга қиёслашмайди, нав-нихолларни шундай парварिशлайдики, улар вояга етиб, элу халқнинг қорига ярайди. Ана шундай устозлардан бири Асрақул Болиевдир.

УСТОЗ

Устоз 1940 йили Нурота тумани Аймак қишлоғида таваллуд топган. Уша пайтдаги моддий қийинчиликларга қарамай, енгини шимариб илм эгаллашга тунинган. Шу мақсадда 1967 йили Бухоро давлат педагогика институти химия-биология факультетини тугатган. Дастлаб, Нурота туманидаги 17-мактабда иш бошлаган. Кейинчалик ушбу мактабнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасига ўтказилган. 1975-1989 йиллар мактабда директор вазифасида фаолият кўрсатган. 1989-2001 йиллар Кўшработ туман халқ таълими бўлимида Бош услубчи вазифасида меҳнат қилган. 2001-2003 йиллар 27-умумий ўрта таълим мактабда химия-биология фани ўқитувчиси сифатида ёш авлодга сабоқ берган.



Хозирги кунда устоз 80 ёшда, онахонимиз Тошой она билан бирга умргузаронлик қилади. Устоз ўзининг фаолият кўрсатган мактабига тез-тез ташриф буюриб, шогирдларига, ёш ўқитувчиларга тажрибаларини ўргатиш билан бир қаторда ўз ҳисобидан 17-умумий ўрта мактаб кутубхонасига 30 донадан ортиқ китоблар совға қилди.


Бугунги кун ўқувчисининг эътиборини тортиш қийин. Чунки янгилик кўп. Ўқитувчи эски маълумотларга суяниб ўтирса, ўқувчини қизиқтира олмайди. Шу боис, ўқитувчининг олами бола олами билан уйғун келиши керак. Биз ўз қадриятларимиз, ўз тарихимиз қолиб ёт гоёларга, бегона қадриятларга хизмат қилинган кунларни ҳам кўрдик. Бугун биз тамоман бошқа бир муҳитда яшаймиз. Қолаверса, ўқитувчиға қилинаётган ғамхўрликни айтмайсизми?! Бу жиҳатдан бугуннинг ўқитувчиси энг бахтли ўқитувчидир, — дейди Асрақул Болиев.

Дарҳақиқат, устозлик мақоми улуг. Йиллар ўтса-да, бу мақомни елкалаб, ўз касбига садоқат билан хизмат қилаётган, хали-ҳануз шогирдлари эришаётган ютуқлардан ғурурланиб яшаётган кишига бундан ортиқ бахт борми, ўзи?!

Шухрат АЛИБЕКОВ,
Кўшработ туманидаги 17-мактаб директори,
Шерзод АЛИБЕКОВ,
ўқитувчи.

ҚИЛМИШ

Халқимизда "Амма келди, ҳамма келди" деган ҳазиломуз ибора бор. Демак, амма келмаса ҳамма келмайди дегани-да бу. Йўл ҳодисаси содир бўлмасдан аввал Тошкент вилояти Оққўрғон туманида истиқомат қилувчи Нодира Юсупова ҳам ана шундай мақомга эга эди. Давранинг тўри амманики эди. Аммо...



АММА ВА ЖИЯН

Нодира опа ўзининг "Spark" автоуловидан туман марказига борадиган бўлди. Жияни Ойбекни ёнига олди. Ҳеч жойда ишламайди, кўчада сандирақлаб юргандан кўра, аммасининг ёнида бўлса яхши-да. Ойбекнинг отаси ҳам индамади, розилик билдирди. Улар енгил машинада йўлга чиқиди.

Шу орада жияннинг нияти бузилди, автомашинани юргизди-ю кўздан гойиб бўлди. Амма ордидан хай-хайлаганча қолди. Аммо "бузқоннинг қочгани сомонхонагача", деганларидек, Ойбек ҳам узоққа боролмади. Ахир, катта йўлда машина ҳайдаб кўрмаган 26 ёшли йигитнинг юраги тошади-да, аммаси ёнида йўқлигини ҳам унутди, улов газини босди. Енгил машина дегани енгил экан-да, ўқдай учди.

ган амманинг қапалаги учиб кетди. Дарров етиб борди. Энди нима қилади. Ўзим тўзатай деса, ортиқча пули йўқ, жияни ҳеч жойда ишламайди. Вақтни бой бермай укасининг олдиға борди. Ҳайрият, укаси уйда экан. Машинага етказилган зарар ҳақида гаплашиш учун унинг ёнига борди. Ука пинак бузмай эшитди. Аммо даб-дурустдан "Жиян сеники, бор, қаматсанг, қаматавер, сенга берадиган пулим йўқ", деди. Амманинг хаҳли чиқди.

ХИТОЙ

ЖАЗО ТАРИҚАСИДА

ТУШЛИККА ЧУВАЛЧАНГ

Хитойнинг "Дизайн Интерьер" компаниясининг ишчилари иш режасини бажармаганлиги учун жонли чувалчанглар билан мажбуран оқватлангиларган. Ҳодиса Гуанчжоу провинциясининг Бицие туманида юз берди. Ишчиларнинг чувалчанг еяётгани тасвирланган видео ижтимоий тармоқларда эълон қилинган. Видеоода ишчилар қандай қилиб иккиланмасдан қуртларни оғзиға солиб, уларни сув билан юваётганликлари кўрсатилган. Базилар бир вақтнинг ўзида "оқват"да паразитлар бор йўқлигини сўрашган.



ЯПОНИЯ

ШАҲАР БЎЙЛАБ КИЙИК ҚИДИРИЛМОҚДА

Токио полицияси шаҳар бўйлаб юрган кийикни қидирмоқда. Бу ҳақида Япония телеканали вақилар хабар берди.



Уларнинг сўзларига кўра, шаҳар аҳолиси пойтахт шимолда ва Токионинг шимол-шарқида ёввойи ҳайвонни кўрган. Ўтган яқшанба куни кийик Итабаси провинцияси ҳудудини айлиниб чиққан. 2 июнь куни эр-талаб уни Аракава дарёси яқинида кўришган. Маҳаллий аҳоли йўқолган ҳайвонни ушлашга уринишган, аммо уларнинг уринишлари муваффақиятсиз бўлган. Журналистларнинг таъкидлашича, бир неча соатдан кейин кийик яна кўринган. Бу сафар ҳайвон Аракава дарёси яқинидаги аввалги манзилдан икки километр наридан ўтган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОН
Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги ўқув доволаш комплекси тиббиёт коллежи томонидан Раҳимжонова Гулрух Шерзод қизига 2019 йилда берилган №161-K5816809 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
Оққўрғон тумани
Маъмурий суди раиси.
Ҳикматулло ҚОДИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Банк ҳақида гапирганда кўпинча кредит тизими, олди-сотди, ҳисоб-китоб ва ҳоказо молиявий атама ва рақамлар кўз олдимизга келади. Аслида биз яшаётган ҳаётнинг энг гўзал бўлаклари ҳам банк тизимига бевосита ёки билвосита боғлиқ. Чунки улар ёрдамида биз атрофимиздаги ва уйимиздаги керак бўлса, иш жойимиздаги ҳаётни тубдан ўзгартиришга, гўзаллаштиришга куч топамиз. Бир пайтлар оддий халқ банкнинг олдиан ўтолмасди, бош уриб борганда ҳам осонликча бирор юмуши битиши мушкул эди. Бугун эса бу тизимдаги ҳамма хизматлар шаффофлашди. Иккониятлар илдамлашди. Банк ҳаётимизга кириб келди. Ҳақиқатан ҳам авваллари шунчаки банк фойеларига ёки эшикларига ёзиб қўйилган "Банк — мижоз учун, мижоз — банк учун эмас" деган шiorнамо сўзлар ҳаётий мезонга айланмоқда. Банкларимиз элу халққа хизмат қилиш даражасини оширди, одамлар уларга ишонч билан қарай бошлади, ўзларига энг яқин суянчиқ деб билиш тамойили шаклланди, бу ҳаётдаги катта-кичик муаммоларимизни ҳал этувчи тезкор ҳамкоримизга айланмоқда.



Реклама ҳуқуқи асосида



“ЁДГОРЛИК”НИНГ УЧАР ГИЛАМЛАРИ

“Туронбанк” АТБ халқни ҳам, мижозларини ҳам мамнун этмоқда

ҲАЁТ ВА БАНК ҲАҚИҚАТЛАРИ

Давлатимиз банк соҳасини ҳар томонлама ривожланган, жаҳон стандартларига мос равишда кўриш учун ҳамма қўлайликларни яратмоқда. Мамлакатимиз раҳбари банклар ҳақида тўхта-лар экан “Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш ло-

КАДРИЯТЛАР ХАРИТАСИ

Бугун янги қиёфага кириб бораётган водий замини, аниқроғи Фарғона вилояти Марғилон шаҳри аҳолисини бунга мисол қилишимиз мумкин. Сайёҳларнинг севимли манзилга айланган ушбу диёр ўзининг баҳаво масканлари, меҳмондўст халқи билан ном қозонган. Чунки, ушбу худуд қадимдан хунармандчилик ривож-

моқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

1982 йилдан буён ўзбек миллий хунармандчилигининг ипак матолари, хусусан, адрас, атлас, абри бўзлар орқали гиламчилик ва касаначилик йўналишида фаолият юритиб келаётган “Ёдгорлик” масъулияти чекланган жамияти, Президентимиз яратиб берган шароитдан унумли фойдаланиб келаётган корхонадир. Ушбу корхонанинг атласу адрасига хориждан келган ҳар бир сайёҳнинг хаваси келади. Унинг инсоният ақлини лол қолдирган гуллари олдида соатлаб донг қотишади.

ҚЎЛИГУЛ ШАЖАРА

Бу ерга ҳар йили жаҳоннинг қўллаб мамлакатларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюриб, ўзбек хунармандчилигининг ноёб намуналарини ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишишмоқда. Нозик санъатнинг мўъжизакор хусусиятлари уларни лол қолдирмоқда. Шунинг учун ҳам бугун ўзбек қўл санъати намуналарини Америка ёхуд Европада кўрсангиз ҳайрон қолмайсиз. Чунки хунармандчиликимиз намуналари хорижликларни қайта-қайта ҳайратлантириб улгурган.

Айтиш керак, айна пайт корхонада Муҳаммадjon Мамадалиев, Шавкат Мамадалиев, Маҳмудjon

Эгамбердиев, Халимjon Зокиров сингари бир неча хунармандлар сулоласи вакиллари фаолият юритишади. Ушбу бренд асосчиси Аъзамjon Абдуллаев ҳам гиламдўзлик бўйича учинчи сулола вакили ҳисобланади.

“ТУРОНБАНК” — “ЁДГОРЛИК” МЧЖга ЭНГ ЯҚИН ҚЎМАКЧИ

— Гўё бир дарёнинг икки қирғоғи бўлмиш Шарқ билан Ғарб санъати доимо фарқ қилиб келган. Айниқса, хунармандчиликнинг каштачилик, миллий ўйинчоқ ва мусиқа асбоблари яшаш, қулоччилик, ёғоч

ўймакорлиги, гиламдўзлик каби қўл меҳнати мўъжизалари уларни лол қолдирар эди. Ушбу дурдона маҳсулотларни тайёрлашда эса неча минг йилларки, Ўзбекистон усталарига тенг келадигани топилмаган. Сабаби, хунармандларимиз дунё мамлакатлари ичида халқ амалий санъатининг энг қадимий турлари, ўзига хос услуб ва мактабларини сақлаб қолган ягона диёрдир. Биз ҳам ота-боболаримизнинг меросларини муносиб давом эттирмоқдамиз. Бу йўлда эса бизга “Туронбанк” АТБ яқиндан ёрдам берапти”, — дейди “Ёдгорлик” МЧЖ раҳбари Аъзамjon Абдуллаев. — Мисол учун, “Ёдгорлик” кор-

ги ҳар хил нақшлар ва турли гуллар ҳам ўзининг мантиқий маъноларига эга. Бахт, серфарзандлик, бойлик ва фаровонлик тимсоллари гиламларда ўз аксини топади.

“ТУРОНБАНК” АТБ ҚЎМАГИДА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ НАТИЖАСИДА ЎТГАН 2019 ЙИЛДА РОССИЯ, ГЕРМАНИЯ, ТУРКИЯ, ФРАНЦИЯ, ИТАЛИЯ, АРГЕНТИНА СИНГАРИ МАМЛАКАТЛАРГА 200 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ ГИЛАМЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ. ИЧКИ БОЗОРГА ЭСА 4 МИЛЛИАРД СЎМЛИК МАХСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ. КЕЛГУСИДА, БАНК БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАГАН ҲОЛДА ЯНГИ МЕҲМОНХОНА ВА ТУРИЗМ ЎҚУВ МАРКАЗИНИ ИШГА ТУШИРИШ НИЯТИДАМИЗ.


Қадим шарқ халқлари афсона ва ривоятларида гиламлар бахт ва мўъжиза манбаи сифатида талқин қилиниб, учар гиламлар — уюқларга тенглаштирилган. Чунки унинг ҳар бир нақшига олам-олам орзулар, яхши ниятлар муҳрланган. Ҳар бир вилоятда гиламдўзликнинг ўз услублари, сифат ва хусусиятлари бўлгани каби “Ёдгорлик” МЧЖнинг ҳам ўз анъана ва йўналишлари бор.

Гилам ишлаб чиқиш жараёни бир қарашда у қадар мураккаб эмасдек туюлиши мумкин. Бироқ бунга жуда кўп вақт ва ҳафса керак бўлади. Гилам тўқиш учун жун ййиш, тозалаш, ювиш, қуритиш, бўяш, тўқиш каби ҳар бир жараён кишидан ўз соҳасининг устаси бўлиши талаб қилади. Бунга эса “Ёдгорлик” МЧЖ хунармандлари аъло даражада эришмоқдалар.

ЎТМИШ ВА БУГУННИНГ ЖИЛОЛАРИ

Ҳаёт ҳар биримизга яшаётган давримизга, кунимизга мос инновацион тафаккурни татбиқ этмоқда. Ҳаётимизнинг олмос қирраларида ўзимизга ва ҳаётимизга тафти берувчи, туя, қўй жунларидан қилинган гиламлар ўтмишининг, мозийнинг нафасини уфуради. Чунки, бугунги гиламларда гилам илк пайдо бўлган XIII аср билан бирга бугуннинг илгор гоёлари уйғунлашиб кетганлигининг гувоҳи бўлаемиз. Биз бахраманд бўлаётган ушбу нафис санъат намуналарида “Туронбанк” АТБнинг ҳиссаси ва ўрни бекиёслиги дилни чароғон этади. Чунки бугун халқ ҳам, банк ҳам, мижоз ҳам ўз ишидан кўнгли тўлиб, севиниб ўз ишини удаламоқда. Зеро, ҳар бир кунимизни севиниб қаршилар эканмиз, биз ҳар доим, ҳар нафас улуг ишларга қодирлигимиздан мамнуният ҳиссини туюмиз.

Г.МАТЕҚУБОВА.



зим. Шу йил 1 июлга қадар “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур. Аҳолида банк тизимига нисбатан ишонч шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашшига чек қўйиш керак”лигини таъкидлагани бежизга эмас. Бу эса банкдан ҳам, банк ходимидан ҳам, қолаверса, кредит олувчидан ҳам молиявий ҳушёрликни талаб қилади. Қилинаётган ҳар бир хатти-ҳаракат ҳаёт ва банк ҳақиқатларига уйғун бўлмоғи даркор.

ТИНИМСИЗ ЭМАС, ОҚИЛОНА МЕҲНАТ

Албатта, мовий осмон остида тинч ва осойишта ҳаёт кечириш, ҳуррият тақдим этган буюк неъматларга шукроналик келтириб, демократик ислохотлардан унумли фойдаланиш, эртанги кун учун тиним билмай эмас, оқилона меҳнат қилиш бу олий саодатдир. Зеро, унинг замирида ҳар қандай соҳа тараққий топиб, одамларнинг турмуш тарзи ўзгаради, яшашга, янгилик яратишга бўлган интилиш ҳар қачонгидан кўпроқ ошади. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бугун юртдошларимиз мана шу мезон асосида яшаб, меҳнат қилишмоқда.

Шу боис, кейинги йилларда жаҳон рейтингда ўзбекистонликлар яшаш тарзи, иқтисодий эркинликлар тубдан кўтарилганини кузатиш мумкин. Чунки, миллатнинг, халқнинг фаровон ҳаётига бизнинг эртанги кунимиз учун ёруғ йўлланма бўла олади.

ХУНАРМАНДНИНГ ХУНАРИ УНМОҚДА

Ишонмасангиз қўл меҳнати бозорларини кўздан кечиринг. Айниқса, ушбу йўналишда ўз бизнесини йўлга қўйиб, мамлакат иқтисодиёти ривожига сезиларли хисса қўшаётган тадбиркорлар сифатининг ошаётгани эса янги иш ўринларининг ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда қабул қилган “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам айна шу жиҳатлар тилга олинди, минг йилларки жаҳон ҳамжамиятини лол қолдириб келаётган қўл меҳнати мумкинки, бугун юртдошларимиз мана шу мезон асосида яшаб, меҳнат қилишмоқда.

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ АТЛАС ҲАВАСИДА

Ушбу ҳужжатда хунармандчилик субъектларига давлат рўйхатида ўтишда кўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тар-



✓ **ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР**

Ҳаёт — дарсхона, унда барчамиз ўқувчиларимиз. Инсон босиб ўтган ҳаёт йўлини таҳлил қилиб, яхши-ёмон кунларини тарозига солишга, ортга ўгирилиб, билиб-билмай қилган ишларини сарҳисоб этиб туриши керак. Бу кичик ҳикоялар ана шундай ҳаёт сабоқларидан чиқарилган хулосалардир.

ЯХШИЛИКНИНГ ҲАЛОВАТИ

Ишдан чиқиб, метрога тушаётганимда собиқ ҳамкасбимни учратиш қолдим. У мендан ишхонадаги ўзгаришлар, кимлар ишлаётгани, кимлар қаерга кетгани ҳақида сўраб қолди. — Яхши ишлаб юргандингиз, бекор кетиб қолдингиз-да, — дедим. — Уша пайтдаги вазиятни кўрдингиз-ку, мен шoirтабиат одамман. Фактлар, рақамларга эътиборсизроқман. Ҳайдаб юборишгандан кўра, ўзим кетаюла дедим-да. Биласиз, не-не қобилиятли болаларни бўшатишди. Ҳозирги ишим тинч, маза қилиб юрибман. Унинг гап-сўзларидан соҳадан кетиб қолганидан пушаймонликни сезиб қолдим. — Ариза ёзмаслигингиз керак эди. Қўлингиздан ёзиш келарди. Ҳозир раҳбариятимизда ижобий ўзгаришлар бўлган. Ҳўп, десангиз, мен сизни раҳбарга айтаман. Қайтиб келасиз. Ҳамкасбимнинг кўзларида нур парлади. — Қандай бўларкин?.. Орадан йиллар ўтиб кетди. Эплай олармикинман? У энди ўзини устоз олдидаги ўқувсиз шогирддай тутарди. Орадан кунлар ўтди. Иш билан бўлиб, ваъдам ҳаёлимда турган бўлса-да, ҳафсала қилмадим. Бир кун кўп йиллар олдин бирга ишлаган дўстим телефон қилиб қолди. — Янги нашр ташкил қилаяпмиз. Қўлидан иш келади қадрлар керак. Танишлардан бўлса, айтинг. — Ҳўп, бир ўйлаб кўрай-чи? — дедим-у дарров собиқ ҳамкасбим эсимга тушди. Аксига олиб, ишхонада ҳеч ким унинг телефонини билмас экан. Ундан-бундан суриштириб, ахири топдим. — Ҳў, зўр-ку! Олишармикин? — У сўянганини яширолмади. — Уларнинг шароити бизникидан кўра ҳам яхшироқ, — далада бердим. — Насиб бўлса, олишди. Менинг тавсиям билан у янги жойда иш бошлади. Бирон ойлardan сўнг бироз хавотир билан дўстимга телефон қилиб, "қадр"ни сўрадим. — Э, э, гап йўқ. Энг яхши ходимларимиздан бири. Сизга раҳмат! Шунда кўнглимда бир ўзгача ҳаловат, хурсандчилик сездим. Бу туйғу шундай оромбахш эдики, осмонларга ўчгим келарди.

ПРОФЕССОРНИНГ РАҲМАТИ

Институтни битириб, ўзим ўқиган мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлаганман. Ёш, қаттиққўл эдим. Кимки, фанимни билмас, журналга "2"ни босардим. Кимнинг қўли нотоза, тирноқлари олинмаган бўлса, дазмолланган даструмоли бўлмаса, жазоладим. Дарсимда пашша учса билинарди. Бир кун мактабдан чиқаётганимда 9-синфда ўқийдиган олифта кийинган, маҳмадона бир ўсмир йўлини тўсди. — Домла, дадам сизни менга бир учрашин, дедилар. — Э, Эркинбой, даданг ким? Нима иши бор экан менда? — Дадам совхозда галла ombорининг мудири. Акам бош бухгалтер. Сиз менга журналга нуқул "2" баҳо қўяясиз. Бошқа домлалар қалам билан белгилаб, кейин чорақликда тўғрилаб кўрди. — Дадангга айт, менда иши бўлса, ўзи келсин? — Бу "икки"ларни қўйверсангиз, нима бўлади, домла?

✓ **РАССОМ ХАНДАСИ**



— Нима бўларди, синфда қолсан. Кейинги йилда укаларинг билан ўқийсан. — Дадамнинг пули кўп. Мактаб директорини бизникида тез-тез чой ичиб туради. Кучингиз етadими? Ёш боланинг бу гаплари жаҳлимни чиқарди. — Қани кўраимиз, ким кучли экан. Бу гапларимни дадангга бориб айт. — Шундан сўнг Эркинни алоҳида назоратга олиб, ҳар кун ундан уйга вазифани сўрай бошладим. Бир кун "Ўтган дарсни ким ўқиб келди?" дея сўрасам, кўрқа-писа Эркин кўп кўтарди. — Қани, доскага чиқ-чи? — дедим ич-ичимдан суюниб. У тутилиб-тутилиб, қалтирай-қалтирай дарсликдаги маттни ёддан айтиб берди. — Яхши. Мана, ўқиса бўларкан-ку? — дедим. Эркин шундан кейин ҳар кун менинг дарсимни ўқиб келадиган, кўп кўтардиган бўлди. Тақдир тақозоси билан журналистика соҳасига ўтиб, туман, вилоят



Абдужалол ТАЙПАТОВ

шу кичик жуссали, жиккаккина кизнинг ақли етган нарсасига менинг ақлим етмаса?" Шундан буён ҳар сафар бирон номақбул ҳолатда дуч келсам, бирон соҳибжамол ақлими ўғирласа, шу гап эсимга тушаверади. Мени қувонтиргани, кейинги йилларда юртимизда имон-эътиқодли одамлар сони кўпаймоқда, ислом ривожланмоқда, унинг ақидалари кенг ёйилмоқда. Имайдиган, чекмайдиган бир янги авлод ҳаётга кириб келмоқдаки, биз ёши катталар

Абдужалол ТАЙПАТОВ — 1958 йили Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг тамомлаган. "Тазарру" номли қисса ва ҳикоялар тўплами, қатор насрий асарлари чоп этилган. "Шарқ" нашриётида "Ўғил" деб номланган янги китоби чоп этилиш арафасида. Айни пайтда ЎзАда хизмат қилади.

Чорпойда ёнбошлаб чой ичиб ўтирган Бекмирза оғайним: — Сиқилманг, домла, — деди хотиржам. — Сизнинг сигирингиз йўқолмайди. — Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади, дегани шуда, — дедим жаҳлимни босолмай. — Йўқ, — деди Бекмирза яна тасалли оҳангида. — Сиз ҳалол ризк топиб юрган одамсиз. Сизнинг молингиз йўқолмайди. Мени айтди, дерсиз, эрталаб сигирингиз топилади. Уша кун уйқунинг тайини бўлмади. Тондан болаларни уйғотиб, пода йўлига чиқардим. Бекмирза эса шаҳарга тушиб кетди. Бирпас ўтмай сигирни етаклаб ўртанча ўғлим кириб келди. Сигирнинг изидан бир лўли бола ҳам эрғашиб келарди. — Сигирингиз чопиб келиб, менинг молларимга қўшилиб кетди. Кейин ҳеч ким сўрамади. Уйга ҳайдаб бориб, моллар билан қамаб қўйдим. Ем, сув бердим, — деди лўли бола.

Мен англаган ҳақиқатлар

нашрларида, матбуот ва ахборот бошқармасида ишладим. Ёшим элқидан ошганда пойтахтга ишга келдим. Тошкентдаги наҳорғи ошлардан бирида сочларига оқ оралаган, сипсиллик кийинган, бўйинбоғли бир ўрта ёшли одам иссиқ кўришди. — Мени танимадингиз-а, домла? — деди қўлимни қўйиб юбормай. Кўзлари, чехраси танишдай, аммо эслолмадим. — Мен Эркинман, сизнинг бебош, маҳмадона ўқувчингиз. Сиз бизга бир йил дарс бергансиз. Эсладим. — Э-э, Эркинбой, бундай кўркам, савлатли одам бўлиб кетибсиз. Узр. Кучоқлашиб кўришдик. — Институтни битириб, Тошкентда қолдим. Ҳозир кафедра мудири, профессорман. Домла, бу ютуқларга сиз туфайли эришдим. Бизнинг мактабимизга ўқитувчи бўлиб бормаганингизда, қаторлаштириб "икки" баҳоларни қўймаганингизда, қаттиқ уришиб, танбех бермаганингизда, билмадим, бугун қаерларда бўлардим. Мени китоб ўқишга ўргатганингиз, илм-фанга қизиқтирганингиз учун сизга мингдан-миг раҳмат, домла. Талабаларимга сиз ҳақингизда кўп гапираман. Ишонсангиз, ўшанда сизнинг дарсларингизни, берган уй вазифаларингизни тўни билан ухламай ёдлаб чиқардим... Унинг гапларидан кўнглим тоғдек ўсди. Демак, қишлоқда ишлаган йилларим ҳам изсиз кетмаган экан.

КЎРҚАМАН...

Бир дўстим шундай ҳикоя қилади: — Ёш, олов эдик. Кичик бир корхонага раҳбар бўлдим. Қадамимдан ўт чақнар, сўзим кескир эди. Бутун идора менинг кайфиятим билан ҳисоблашар, ҳаёт гўзал, турмуш фаровон эди. Қўл остида ишлайдиган "оқиза"лардан бирига кўнглим суст кетди. Янги йил муносабати билан уюштирилган байрам базмидан сўнг, қизни хилватга тортиб, қўлидан ушладим, учрашиб туришга розилик сўрадим. У қўлини тортиб олмади. — Сиз чиройли йигитсиз, истиқболингиз бор, аммо оилалисиз. Шунинг учун кўрқаман... — деди мулоим овозда. — Нимадан кўрқасиз? Мен борман-ку, ахир. Сизга келадиган балo-қазозларга ўзим кўндаланг! — Ичимлик мени шер қилганди. — Йўқ, — деди у бу сафар қатъий оҳангда қўли билан осмонга ишора қилиб. — У ҳаммасини кўриб турибди! Уйладим: "Нахотки,

уларнинг олдида гоҳида уялиб қолаяпмиз. Айниқса, имонли, инсофли тижоратчилар, савдо аҳли кўпаяётгани кишини хурсанд қилади. — Қизимни чиқаришимиз керак эди, — дейди бир биродаримиз. — Хотин билан бирга латта-путта олгани Тошкентнинг "Бек барака" бозорига бордик. Кўп нарса олдик. Уйга келсак, харидимиз ичида бир қиммат буюм — сўнги модадаги мато йўқ. Хотин қайси дўкандан олганимизни эслади. Эр-хотин орадан уч-тўрт соат ўтгач, бозорга қайтиб бордик. Сотувчи биз унутиб қолдирган матони бир чеккага олиб қўйган экан. — Биз нарх-навосига тортишамиз, биродар, — дейди соч-соқоли чиройли олинган ёш йигит. — Аммо ўзганинг ҳақидан кўрқамиз. Қани эди, мана шу туйғу ҳар биримизга умр бўйи ҳамроҳ бўлса...

ҲАЛОЛ РИЗҚНИНГ ҲОСИЯТИ

Ёшинг уйғайиб, ҳаётий тажрибанг ошиб, яхши-ёмонни кўраверганингдан кейин атрофингизда бўлаётган катта-кичик воқеа-ҳодисалардан сабоқ чиқараверар экансан. Давлат берган "дом"ни шаҳар чеккасидаги чала қурилган ҳовлига алмаштириб, кўчиб чиқдик. Боиси, фарзандлар катта бўлиб қолган, уларни уйлантириш, узатиш учун ҳовли бемалолроқ эди. Катта қизимни "дом"дан узатиб кўрганамиз: ўзбекининг тўй-тадбирига "дом" торлик қилар, бесаранжом бўларкансиз. Олган ҳовлимиз шаҳарнинг чеккасида бўлгани учун ён-атрофи овлоқ, мол-ҳол боқишга қулай экан. Хотин билан маслаҳатлашиб, уч-тўртта қўй-қўзи, бир сирғир олдик. Молларни ўғилларим мактабдан бўш вақтига қараб бири тушликка қадар, иккинчиси кечгача айлантриб келарди. Уша кун уйимизга қишлоқдан Бекмирза синфдошим келганди. Шаҳарга бир юмуш билан келибди-ю иши битмай кетолмай қолибди. Намозшомада, подақайтар маҳал ўғлим қўй-қўзиларни ҳайдаб келди. Ёзининг кунни бўлгани учун ташқарида чорпойда ўтиргандик. — Дада, сигир йўқ, — деди қовғини уйиб ўсмир ўғлим. — Нега? Кўзинг қаерда эди? Болалар билан ўйнаб, қарамагансан, — аччиқландим. Болаларим мени сира алдаб ўрганмаган. — "Чиллак" ўйнаётгандик. Қизиқиб кетибман. Бир маҳал қарасам, сигир йўқ. У ёққа чопдим, бу ёққа чопдим, ҳеч қаерда йўқ. Маҳалланинг ҳамма моллари қайтди, сигиримиз улар орасида кўринмади, — йиғламсиради у. Дарров ўғилларни, хотинни маҳалла кўчаларига бўлиб жўнатдим. — Уйма-уй сўраб чиқинглар! — дея тайинладим. Ўз-ўзидан кайфият бузилди, оилада бесаранжомлик пайдо бўлди. Маҳаллани айланган болаларим ва аёлим сигирни топиша олмай сўппайиб, шалвираб қайтиб келишди.


Биздан сал наридаги қўшни маҳаллада лўлилар яшаарди. Чиройим очилди. — Ҳа, нега бу бола эрғашиб юрибди? — сўрадим ўғлимдан. — дейди бир биродаримиз. — Хотин билан бирга латта-путта олгани Тошкентнинг "Бек барака" бозорига бордик. Кўп нарса олдик. Уйга келсак, харидимиз ичида бир қиммат буюм — сўнги модадаги мато йўқ. Хотин қайси дўкандан олганимизни эслади. Эр-хотин орадан уч-тўрт соат ўтгач, бозорга қайтиб бордик. Сотувчи биз унутиб қолдирган матони бир чеккага олиб қўйган экан. — Биз нарх-навосига тортишамиз, биродар, — дейди соч-соқоли чиройли олинган ёш йигит. — Аммо ўзганинг ҳақидан кўрқамиз. Қани эди, мана шу туйғу ҳар биримизга умр бўйи ҳамроҳ бўлса...

МУНОФИҚНИНГ ЮЗИ ҚОРА

— Тўсатдан эрталаб ишга келаётганимда машина уриб кетди, — дея ҳикоя қилади таниш ҳамкасбим. — Тўшақда михлиниб қолдим. Бир йил деганда зўрға оёққа туриб, ҳассада ишхонага келдим. Шунда бетоб пайтимда бирон марта, ақали телефонда бўлса-да, ҳолимни сўрамаган раҳбарим: "Сиз энди ишга ярамайсиз, бўша ш тўғрисида ариза ёзиб беринг", деса бўладими?! Музлаб кетдим. Кўзимга ёш келди. "Устоз, бу ахволда ҳозир мен қаерга бораман, ким мени ишга олади. Энг паст, кимки лавозим бўлсам, ишлаб турарайин. Дўхтирлар тузалиб кетасиз дейишяпти", дея йиғлаб юбордим. "Йўқ, — деди раҳбар қатъий. — Мен ўрнингизга одам олиб қўйганман". Эҳ-ҳе, мен бу одамнинг қанча қизматларини қилгандим... Яхшиям, қариндош-уруғ, ошна-оғайниллар бор экан, бир амаллаб оёққа турдим. Энди мен бу инсонни қандай қилиб "устоз" дейман. Исмини эшитсам, газабим кўзийди... Танишим айтган раҳбарни танирдим. Инсоф, диёнат, ҳалоллик ҳақидаги маърузаларини кўп эшитганман. Йиғилишларда инсонийлик, эзгулик, ватанпарварлик тўғрисида жўшқин нуқтар сўзларди. Аммо иши, амали гапига мос келмас, икки юзлама одам эди. Ишга олаётганда ҳатто фаррошдан ҳам таъма қилар, ёш қизларга кўз сузар, ўзим чиққан тепа омон бўлсин, дейдиганлар тоифасидан эди. Қирқ йилдан ортиқ иш фаолиятим давомида турли феъл-атвордаги раҳбарларни кўрдим, баъзилари билан бирга ишладик. Қаттиққўл, ҳалол, бағрикенг, профессионал мутахассислар соҳага ҳаётини бағишлаган кишилар қаторида маишатпараст, манфаатпараст, қўрқоқ ва айёр, худбин, шўхратпараст, мансабпарастлар билан мулоқот қилишга тўғри келган. Менинг назаримда, улар орасида жамият учун энг хавфлиси мунофиқлардир. Агар мунофиқ раҳбар бўлса, у бошлиқ идора, ташкилотнинг уйи қўйди, девяеринг. Мунофиқдан давр ўтгач, шогирдлар, шотирлар узоқлашиб, муаммолар гирдобиде ёлғиз қолади. Бунга ҳаётда кўп бора гувоҳ бўлганмиз. "Нима эксанг, шуни ўрасан", деганлари шу бўлса керак-да!

✓ **ШЕЪРИЯТ**

Олтин адирларга йўл солди кўнгиш



Вафо ФАЙЗУЛЛОҚ

Вафо ФАЙЗУЛЛОҚ — 1963 йил Кармана туманидаги Тоғтузар қишлоғида туғилган. ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. "Хўт" (1993), "Хабарсиз севинч" (1997), "Мангу лаҳза" (2000), "Жон йўли", "Чакмоқ ёруғи", "Азалий ғусса" шеърий китоблари нашр этилган. Жаҳон шеърнати вакиллари — Ш.Болдер, П.Верден, А.Рембо, И.Бродский, Н.Гумилев, И.Бунин шеърлари, Франц Кафка, Гарсиа Маркес, Ч.Айтматов, Х.Борхес, Р.Акутагава, К.Гамсун насрий асарларидан ўзбек тилига таржима қилган.

Журъат

Лой қўчалар менинг гангизан тилим,
Мовий кўзларингга сизмасдан дарди.
Паҳса деворларнинг нигоҳи гулим,
"Севаман" бахтидан бизни айирди.

Хўрсинади адир, дарё бўзимда,
Жавзо қизгалдоғи чалади қарсак.
Журъатга айланмаган ҳайратинг бир пул,
Кунлар Гули қаҳ-қаҳ: — гўдақсан, гўдақ.

Йўқ, қуёш халтасида тўлдирилган хўн,
Очилгай хўп тортинчоқ, маъсума сийрат.
Ичимдаги зулматни тўфлаган куним,
Уйғонар тирикликнинг маънисини — журъат.

Телба фарёдими тинганг кенгликлар,
Мен гўпг безоридек бўронни тўсдим.
Хофизсиз афиқларда қўл силкиган жим:
Қутиқланган майса — орият дўстим.

Севиш изҳорига тўлди овуллар,
Тўпори кўчаларда ёнди бир исм.
Етти фалак кўрғин, дардлар ёқилди,
Қадрдон тонгни излаб уйғонди сўзим.

Давраларга қайтмас бепарво газаб,
Ер нарчин нигоҳларда қариган исён.
Нафасим бораётди йиллар оралаб,
Енгилмаган ҳамроҳ, қани ҳаяжон?

Шароб кўтарайди нураган девор,
Боглар чумчуқларнинг хонишига банд.
Бу кўнларни сен ҳам умрбод ёд ол,
Шомлар қафасида майли занжирбанд.

Ойлар ўртасида бўсанинг ранги,
Йиллар оша эса тонинг овози.
Мен сизга эсдалик учун қолдиргум,
Севгига зориққан ўн етти ёзини.

Бўшанг ёдулардан чақнади тилак,
Отлар дупурини ёдлади алла.
Мен сизга эсдалик учун қолдиргум,
Ўн еттига кирган яна бир даъла.

Орзу субҳонининг дардлари йўлда...
Онам кўз ёшига ёпинган осмон.
Мен сизга эсдалик учун қолдиргум,
Сиктамоқлик учун ўн етти армон.

Сўнгра мўнг оралаб қайтмайман ортга,
Майли меҳрларсиз узилгум, толгум.
Ёдга олавергим қишлоқ йўлини,
Кўзизгиз чўғларини кўзимга олгум...

Жон иси

Турнарларни кўрдим, кўрдим баҳорни,
Ташрифингни қандай айлашни баён?
Гўё Ҳақ йўқлаган каби беморни,
Боқий ёшлигига қайтмоқда замон.

Гуллар, чечаклардан жон иси келди,
Олтин адирларга йўл солди кўнгиш.
Абри наисолларнинг юриши бўлди,
Мажнун шoirларнинг малиги булбул.

Дардга лим-лим дунё бахта ҳам тўлди,
Беҳишт боғларида кезар капалак.
Замин ифорида мастана қулди
Аршининг курсисини кўтарган малак.

Мен ҳам бир бандаман, хур ният қилдим:
Залолатга ботма, баҳор олами.
Халокатдан қутул мардона, бедил,
Ишқ-ла мунаққаш эт дашту далани!

Соғиндим

Одамман, айтинг нега хурни соғиндим?
Тезрал қуёшли-ку, нурни соғиндим!
Менда давоо йўқдир, даво қайда бор?
Мусо эмасману Турни соғиндим.

Йўқ бўлман тилло, гавҳарга боқсам,
Кўнгиш тубидоғи дурни соғиндим.
Кўрдим, ҳар лаҳзаимур Қиёмат қойим,
Маҳшаргоҳда туриб, Сурни соғиндим.

Вафо вифо эмас, ҳайратни билмас,
Одамман, вале нечун хурни соғиндим?..


СУХБАТДОШ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августда қабул қилган "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан 2018 йилнинг июнь ойида "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошида "Мультипликацион фильмлар студияси" Давлат унитар корхонаси (ДУК) ташкил этилган эди.

Жорий йилда ЮНЕСКО томонидан миллий мультфильмларимизнинг сифатини яхшилаш мақсадида ташкилотга компьютерлар совға қилинди. "Мультипликацион фильмлар студияси" ДУК айни кунларда юртимизда фаол яритаётган хусусий студиялар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

2018 йилда 3 та, 2019 йилда 11 та мультфильм ишлашга муваффақ бўлди. 2020 йилда эса 20 та мультфильм яратиш режага киритилган...

Хўш, ўтган йиллар мобайнида соҳани ривожлантириш учун бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, нега бу борада ҳамон жиддий ўзгариш сезилмаяпти? Нега аксарият томошабини 12 ёшгача бўлган "Болажон" телеканалда ўзимизнинг эмас, балки кўпроқ чет эл картиналари намойиш этилади? Биз бу борада "Мультипликацион фильмлар студияси" ДУК раҳбари Севара ТўЛАГАНОВАнинг фикрлари билан қизиқдик.



Болаки алдаш осонми?

(Бугунги ўзбек мультфильмларининг ютуқ ва муаммолари ҳақида)

— Севара опа, "Мультипликацион фильмлар студияси" ДУК тузилганига уч йил бўлди, нега мультфильмларимизда ҳамон болалар ҳавас қиладиган, ёшларимиз орзусидаги миллий қахрамонлар деярли мавжуд эмас? — Мультипликацион фильмларда яратилаётган ҳар бир образ маълум асосга эга. Мультфильм қахрамонларини яратиш ижодкорлардан кучли маҳорат талаб этади ва бу оғир меҳнат, алоҳида иқтидор орқали юзага чиқадиган ноқил жараёндр. Мультфильмларимиз борасида кўп салбий фикрлар эшитамиз. Одатда, бу сўзларни халқимизнинг катта ёшдаги қатлами билдиради. Чунки улар махсулотларимизга бола кўзи билан қарашни билмайди. Ваҳоланки, жуда кўп фильмларимиз миллийлиги, эзгу гояларни тарғиб этиши ва болалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан эътиборга молик, деб ўйлайман.

турган муаммолардан бири мутахассислиги бўйича режиссёр-аниматор, кадрларнинг етишмаслиги, сифатли сценарийларнинг танқислиги, мультфильм яратиш учун техник жиҳозларнинг ҳам етишмаслигидир. Шу сабабдан етук мутахассисларни тайёрлаб, уларга соҳа сир-синоатларини ўргатиш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва К.Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида ушбу йўналиш бўйича махсус факультетлар ташкил этилди. Сифатли мультфильм яратиш учун, аввало, яхши сценарий, замонавий техникалар ҳамда етарлича маблағ зарур...

— Сўнги йилларда телевидение орқали марказ томонидан яратилган янги миллий мультфильмларимизнинг премьераси берилмоқда. Бу — қувонарли ҳол, албатта. Лекин нима учун аксарият ҳолларда мавзу ва асар сюжети бир хил: бой ва камбағал можаролари, камбағалнинг чув тушиши, қознинг порахўрлиги, ёлғончилиги ва ҳоказо. Ҳолатни яхшилаш учун қандай ишлар қилиниши лозим, деб ўйлайсиз?

— Асосий муаммоларимизнинг энг оғирлики — юқорида айтганимдек, бу — мультсценарийлар тақчиллиги! Тўғри, бизда бой бадийий адабиётимиз, ундан-да бой эртак-афсоналаримиз бор. Лекин бу болалар учун мўлжалланган ҳар қандай асарни сахналаштириш мумкин, дегани эмас. Ҳар қандай болалар ёзувчиси ҳам мультфильм сценарийсини ёза олмаслиги мумкин. Айтиш мумкинки, мультфильм сценарийси болалар адабиётидан тубдан фарқ қилади. Чунки мультипликация — бу динамика, воқеалар бойлиги, қизиқарли персонажлар ҳамда турли-туман характерлар тўқнашувини назарда тутувчи визуал санъатдир. Лекин нимагадир бизнинг сценарист-ёзувчиларимиз ўз асарларида кўпроқ тарбиявий жиҳатга эътибор қаратишади.

— Аслида, болалар фильмлари ишланганидан асосий мақсад ҳам ТАРБИЯ эмасми?

— Асарнинг тарбиявий томонлари бўлиши ижобий ҳолат, албатта. Аммо сценарист-ёзувчиларимиз болаларга хос турли воқеа-саргузаштни қизиқарли ва жонли ёритиш ўрнига, насихатгўйликка ўтиб кетишади. Болалар эса жонли ўхшатишларга қараб фикр юритади. Шунинг учун ҳам ҳаққонийлик, инсонийлик, одиллик каби тушунчаларни тўғридан-тўғри айтмасдан, қизиқарли рамзлари орқали кўрсатиш

керакки, бола ўз ҳис-туйғулари билан муроСага борсин, фильмни шунчаки, вақт ўтказиш учун кўрмасин-да, ундан ўзи учун мустақил хулоса чиқарсин. Хуллас, мультфильм қанчалик саргузашт-воқеаларга бой, куллиги ва қизиқарли бўлса, бола дунёқарашига шу қадар кучли таъсир қилади. Насихатгўйлик, дидактика эса уни зериктиради...

— Ота-оналаримиз ўрмон ҳайвонлари, маймун ва унинг шунтака болалари ҳақида, "Сеними, шонмай тур!"... деган бир-биридан қизик ва ранг-баранг мавзулардаги мультфильмлар билан улғайишган. Бу картиналарнинг кўпчилиги бутун ҳам севиб томоша қилинади. Афсуски, "замонавий" мультфильмлар мавзудан узоклашгандай. Уларда жангариллик, ваҳшийлик, ҳатто севи-муҳаббатгача бўлган мавзулар "тараннум" этиляпти...

— Ҳа, бугун энди ўсиб келаятган болаларнинг қалбини эгаллаш учун жиддий кураш кетмоқда. Ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлган кураш воситаси эса шубҳасиз "оммавий маданият", тўғрироғи "оламона маданияти"дир. Бу "маданият"нинг энг ишончли қуролларидан бири, анимацион фильмлар ҳисобланади. Бу махсулотлар боланинг дунёқарашини ўзгаришига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Сўнги йилларда гоҳ танқид руҳида, гоҳ мактаб тилга олинаётган чет эл мультфильмларининг кўпчилигида ярим-яланғоч қизлар, зўравонлик сахналари, менталитетимизга ёт кадрлар салмоқли ўрин эгал-

лайди. Масалан, "Қизча ва Маймоқ" мультсериали бош қахрамони инжик, қайсар персонаж. Бу болаларимизнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. "Кунг-фун-панда"да эса бир қараганда эзгулик учун кураш мавзуси бордек кўринса-да, аслида унинг замирида жангариллик, ваҳшийлик каби гоялар мутдакка эса уни зериктиради...

— Айни дамда хориж мультфильмларини бутунлай қоралашга ҳам ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман. Бироқ ҳар бир миллат мультфильмида ўз қадриятлари уйғулган бўлади. Шундай экан, бугун болажонларимиз ўзга халқларнинг қадриятини мурғак онгига синдириб олмангитмикан, дея хавотиргаям тушсан, киши...

— Шақсиз, чет элнинг ажойиб, болажонлар учун иборат мактаби бўлиб хизмат қиладиган фильмлари бисёр. Бироқ айни пайтда "билса ҳазил, билмаса чин" қабиллида зимдан иш юритиб, атай-атай мақсадларда ишланб, тез суръатларда экспорт қилинаётган анимацион фильмлар ҳам етарлича. Бундай "асар"ларга нисбатан наринафат бизнинг юртимизда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам мунтазам курашилмоқда.

— Нега тарихий мультфильмларимиз бармоқ билан санокли? Ахир, қанчадан-қанча улуг алломаларимиз, бир-биридан қизик афсоналаримиз ҳам бор-ку! Масалан, "Алпомиш" дostonи бўйича ишланган мультфильминг эслайлик, у бугунги давр

болалари учун анча оддий, содда туюлади...

— Тўғри, тарихий мавзу керак. Ёш авлодни тарбиялашда тарихнинг ўрни бекиёс. Бугунги кун назари билан қаралганда, анча вақт олдин яратилган фильмлар соддарок туюлиши мумкин. Чунки ҳали техника ривожланмаган бир вақтда мультипликация суратлар асосида ишланган. Замон ўзгаришти. Балки сиз айтган "Алпомиш" мультфильмининг ўзбек мультипликация санъатига кириб келаятган янги авлод вакиллари қайтадан яратиши мумкиндир...

— Лекин бунга ҳали кўп вақт керак, назаримда...

— Йўқ, аксинча, озгина қолди. Сўнги йиллар давомида соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлди, анча олдинга одимладики. Ўзбек анимациясига қаратаётган салбий фикрлар эса болалигини унутган одамларнинг болалар фильмларига катталар нигоҳи билан қарашдан бошқа нарса эмас! Хафа бўлманг. Дунё амалиётида тасдиқланган ҳақиқат бу. Фикримнинг исботи сифатида ривожланган мамлакатларда бўлиб ўтадиган анимацион фильмлар фестивалларида ҳақамлар хайъати болалардан иборат бўлишини мисол келтириш мумкин.

Сўзим якунида шунини айтиб ўтмоқчиманки, 2021 йилда ўзбек анимациясига 55 йил тўлади. Биз бу байрамни анимацион фестиваль сифатида нишонламоқчимиз. Унга эса режамизда қиладиган ишларимиз бисёр...

Абдулазиз АҲМЕДОВ суҳбатлашди.

ТААССУРОТ

Яқинда тенгдошларим билан пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонига бордик. Маърифат боғининг янада сўлим торганини, ўзбек халқининг атоқли адиблари бу боғдан оламга нур таратиб турганини кўриб гурурандик.

Маърифат боғи



Алишер Навоий бобомизнинг ёдгорлиги пойида кўллаб атоқли шоир ва ёзувчиларнинг хайкали қад ростлаган. Бу ерга адабиётга ўзгача ихлосманд ёшлар кўп келишади. Улар даҳо адиблар жамланган хиёбондан бўй олиб, келажакда эзгу мақсадларига эришишида бу гўша ўчмас бир маёқ вазифасини ўтаса, не ажаб.

Адабиётга меҳр қўйган ёшлар ўз фикрига, айтар сўзига эга бўлади. Асосийси, ҳаётга ёруғ кўз билан қарайди, ёмонликдан, ёлғондан ҳазар қиладиган бўлишади.

Тарихдан биламизки, жаҳонгирлар қилч сермаб ўз даврида ном қозонишган, аммо бугун кўпроқ ўша қилч яланғочлаганлар эмас, дунёни ақл зиёси, ўткир қалами ила забт этган буюк олим уалломалар, шоиру фузалолар номи тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилганининг гувоҳимиз. Мана шу боис ҳам мамлакатимизда илм аҳлига, ижодкорларга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор ва ахтиром кўрсатилмоқда.

Адиблар хиёбонини айланар эканмиз, улуг ижодкорлар, буюк боболаримизнинг сервиқор ва маҳобатли хайкаллари олдида бир он ўйга толдик. Қалбларимизни ўзгача фахру гурур эгаллади. Гўё улар тирикдек, хиёбон узра айланаиб, бир "нафис мажлис" қуриб ўтиргандек эди.

Азиза ШЕРМАТОВА.

ТАФАККУР

Ҳар ганийки, тирикликда эҳсонидин кўнгулларни шод қилмагай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо билан ёд қилмагай. Алишер НАВОИЙ.

Бир одам бир вилоятга борса, ўзини шундай мартабада тутсинки, бу мартабадан ҳақиқатда паст бўлмасин. Борди-ю одамлар уни шу мартабадан юқорироқ деб билсалар, у мазкур мартабада бўлмаса ҳам, демек унда тараққий пайдо бўлади. Борди-ю одамлар уни паст мартабада деб тасаввур қилсалар ҳам ўзининг ҳақиқий мартабасини йўқотмасин. Баҳоуддин НАҚШБАНДИЙ.

Айвони атрофида қушлар учиб-қўнадиган жойи бўлмаган уйга ёмғир ҳам барака бермайди, унинг эаси ҳам эркинлик билмайди, у жой фақирликка гирифтормидир. Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ.

Бахилнинг қўли саховат, ҳадя учун ёпиқдир. Аҳмад ЮГНАКИЙ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.